



СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг таклифига биноан 24—25 ноябрь кунлари расмий ташир билан ушбу мамлакатда бўлди.

Икки давлат раҳбарлари анъанавий дўстлик ва очиқлик руҳида ўтган музокара-лар чоғида мамлакатлари-миз ўртасидаги муносабат-ларни ривожлантиришнинг асосий масалалари, савдо-иқтисодий, маданий-гума-нитар ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкам-лаш истиқболлари, шунинг-дек, томонларни қизиқтир-ган долзарб минтақавий ва халқаро масалаларни муҳо-кама этдилар.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбаев турли со-ҳалардаги ўзаро ҳамкорлик-ни 2013 йилнинг июнь ойи-да Тошкентда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республи-каси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги

шартнома руҳида изчил ри-вожлантириш икки мамлакат халқларининг туб манфаат-лари, уларнинг тарихий ва маданий яқинлиги, вақт си-новидан ўтган мустаҳкам дўстлик ва қардошлик риш-таларига мослигини, минта-қада тинчлик ва барқарор-ликни мустаҳкамлаш, уни барқарор ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидла-дилар.

Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, томонлар мазкур таширфга олий да-ражадаги мулоқотларнинг мантикий давоми, Ўзбекис-тон билан Қозоғистоннинг кўп томонлама муносабатла-рини таҳлил қилиш учун қулай имконият сифатида қарамокда.

Маълумки, глобал ривож-ланиш беқарорлик билан

кечмоқда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибат-лари ҳамон кескинлигича қолмоқда. Шу нуқтаи назар-дан қараганда, савдо-иқти-содий ва инвестицион ҳам-корликни янада фаоллашти-ришдан ҳар икки томон ҳам манфаатдор экани қайд этилди. Президентлар ўза-ро ҳамкорликни мустаҳкам-лаш учун икки мамлакатда ҳам улкан салоҳият мавжуд-лигини, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, институтлар ва форумлар доирасида Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатлари-ни янада ривожлантиришга томонларнинг интилиши муштарак эканини таъкидла-дилар.

Давлат раҳбарлари Аф-ғонистондаги вазият юза-сидан ҳам фикр алмашди-лар. Ушбу мамлакатда тинч-ликка эришилиши минта-қамиз ва унинг ташқариси-да ҳам хавфсизлик ҳамда барқарорликни мустаҳкам-лаш учун муҳим аҳамият

касб этиши қайд этилди.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбаев Марказий Осиёда мустаҳкам тинчлик ва барқарор иқтисодий та-раққиётни таъминлашда Ўзбекистон ва Қозоғистон-нинг умумий масъулиятини инobatга олган ҳолда, терро-ризм, экстремизм, нарко-тиklar ва қурол-яроғнинг ноқонуний айланиши, шу-нингдек, минтақавий ҳамда халқаро хавфсизликнинг бошқа хавф ва таҳдидлари-га қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олдилар.

Президентлар музокара-лар чоғида иқтисодий муно-сабатларни изчил ривожлан-тиришга алоҳида эътибор қаратдилар.

Қозоғистон Ўзбекистон-нинг муҳим савдо шерикла-ридан, икки томонлама савдо алоқалари жадал ва изчил ривожланиб бормок-да. Глобал иқтисодий жара-ёнлардаги кескин ўзгариш ва олдиндан айтиб бўлмай-

диган ҳолатларга қарамас-дан, мамлакатларимиз ўза-ро савдо алоқалари даража-сини нафақат сақлаб қолиш, балки янада ривожланти-ришга эришмоқда. Хусусан, 2013 йил якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 14 фоиз ўсиб, 3,2 мил-лиард АҚШ долларида зи-ёдни ташкил қилди. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида эса бу кўрсаткич 3 миллиард доллардан ошди.

Томонлар ҳамкорликни янги марраларга олиб чи-қиш учун катта имкониятлар-га эга. Шу муносабат билан икки мамлакат ҳукуматлари-га ўзаро товар айирбош-лашни янада кўпайтириш, маҳсулот турларини кенгай-тириш, юкларни ташиш учун қулай шароитлар яратиш, тадбиркорлик субъектлари ўртасида ҳамкорликни ри-вожлантиришга доир чора-ларни кучайтириш топши-рилди.

(Давоми 2-бетда.)

БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 64-моддасидан.

Пойтахтимизда “Бола учун иж-тимой шериклик: миллий ва хо-рижий тажриба” мавзусида хал-қаро форум бўлиб ўтди.

Анжуман Республика болалар иж-тимой мослашуви маркази, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоат-чилик болалар жамғармаси томони-дан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таъ-лим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Маданият ва спорт ишлари, Молия вазирликлари, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда БМТ Бола-лар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Анжуманда Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси Сенати аъзола-ри, Қонунчилик палатаси депутатла-ри, турли вазирлик ва идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, хорижий мутахассис-

лар, эксперт ва олимлар, педагог-лар ҳамда шифокорлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таъ-лими вазири У.Иноятов, соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси директори Р.Мустаев, ЮНИСЕФнинг мамлака-тимиздаги ваколатхонаси раҳбари Р.Фудерич, ЮНЕСКОнинг мамлака-тимиздаги ваколатхонаси раҳбари К.Пиккат ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида соғ-лом авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланаёт-ганини алоҳида таъкидладилар.

Мамлакатимизда “Соғлом она — соғлом бола” тамойили асосида она-лик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни voyга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 3-бетда.)



ОПЕРА ИЖРОЧИЛАРИ ТАНЛОВИ

Пойтахтимизда «Competizione dell'Opera» опера ижрочиларининг XIV халқаро танлови давом этмоқда.

Ушбу танлов мамлакатимизда опера санъатини янада ривожлан-тириш, нуфузини ошириш ва омма-лаштириш, ижодий алоқаларни кен-гайтириш ва мустаҳкамлаш, бутун дунёда иқтидорли ёшларни топиш ва қўллаб-қувватлашга хизмат қил-моқда.

«Competizione dell'Opera» Прези-дентимиз Ислом Каримов раҳнамо-лигида санъат ва маданиятни ри-вожлантириш, маънавиятни юксал-тириш, истеъдодли ёшларни ҳар

томонлама қўллаб-қувватлашга қара-тилаётган алоҳида эътиборнинг хал-қаро миқёсдаги кенг эътирофи сифа-тида мамлакатимизда ўтказилмоқда. Ўзбекистонда ёшларнинг замонавий билим олиши учун барча зарур ша-роит яратилган, худудларда қўллаб мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилмоқда, ёшларнинг ижод қилиши, санъат намояндаларини рағбатланти-риш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми.
Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида 2007—2016 йилларда иқтисодий ҳамкорлик стратегияси талабларини ўз вақтида ва сифатли бажариш учун Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолиятини янада кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Транспорт ва транспорт коммуникациялари, чунончи, мамлакатларимизнинг улкан транзит салоҳиятидан фойдаланиш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш икки томонлама муносабатларнинг яна бир муҳим йўналиши ҳисобланади. Ислом Каримов юқларни ташишда, жумладан, темир йўл транспорти ёрдамида олиб ўтиш ва етказиб беришда ўзаро мақбул тариф преференцияларини тақдим этиш муҳимлигини таъкидлади. Бу транспорт коридорларининг рақобат-

дошлигини ошириш, улардан янада самарали фойдаланиш имкониятини яратди.

Музокаралар жараёнида Оролни кутқариш халқаро жамғармаси фаолияти ҳам кўриб чиқилди. Ушбу жамғарма минтақа мамлакатларига Орол фожиасидан азият чекаётган ҳудудларни экологик соғломлаштириш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган илмий-амалий лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш учун ўзига хос имкониятлар яратмоқда.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳаракат дастурининг учинчи босқичини самарали амалга оширишга йўналтирилган минтақавий ва халқаро саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаган ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайди. Шу муносабат билан Қозоғистон Республикаси

Оролни кутқариш халқаро жамғармасига Ўзбекистон Республикаси раислиги доирасида шу йилнинг октябры ойида «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусида Урганчда ўтказилган халқаро конференция якунларини юксак баҳолади.

Халқларимизнинг маънавий яқинлиги ва кўп асрлик анъанавий муносабатларига асосланган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Таширф асносида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Қозоғистон Президенти ҳамроҳлигида Остона шаҳрида яқинда очилган «Назарбоев-марказ» кўп тармоқли илмий-таҳлилий ва ижтимоий-маърифий давлат муассасасини бориб кўрди.

Ушбу марказ ўзига хос фонд-музей бўлиб, бу ерда қозоқ халқининг тарихи, маданияти ва замонавий турмуш тарзини, шунингдек, мамлакат Президентининг фаолиятини акс эттирадиган экспонатлар сақланмоқда.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон мустақиллик йилларида эришган ютуқларни қайд этар экан, таълим, маънавият, ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди.

Олий даражадаги Остона учрашувлари қозоқ халқининг буюк байрами — Мустақиллик куни арафасида ўтгани билан чуқур рамзий маънога эга. Ўзбек ва қозоқ халқлари ҳаёт ва давр синovidан ўтган ишончли қўшнилари, қардошлардир ва шундай бўлиб қолади. Айнан шу боис Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарларининг ҳар

бир учрашуви халқларимиз томонидан муҳим тарихий воқеа сифатида кутиб олинди. Зеро, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик ривожини шиддат билан ўзгартиб бораётган бугунги мураккаб шароитда нафақат узоқ муддатли истиқболли, балки бутун минтақамизни барқарор ривожлантириш ва фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутиши билан аҳамиятлидир.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Президентининг Қозоғистонга ушбу таширифи ва унинг якунлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги имкониятлар очади, халқларимизнинг манфаатларига хизмат қиладиган ҳамкорликнинг янги қирраларини рўйга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири
Тошкент — Остона —
Тошкент.



ОПЕРА ИЖРОЧИЛАРИ ТАНЛОВИ

(Давоми.
Боши 1-бетда.)

Истиқлол йилларида кўплаб юртдошларимиз энг нуфузли халқаро опера танловлари ғолиб ва совриндорлари бўлди. Уларнинг аксарияти ёшлар экани диққатга сазовордир.

Анъанавий «Competizione dell'Opera» танловида дунёнинг барча қитъаларидан 30 ёшгача бўлган 60 нафарга яқин ёш иштирок этмоқда.

— Ўзбекистон театр ва ижодий жамоалари, артистлари ва мусиқачилари билан яқин ҳамкорлик қилиб келаман, — дейди халқаро ҳайъат аъзоси, Приморск давлат опера ва балет театрининг бадий раҳбари Антон Лубченко (Россия). — Ўзбекистонда истеъдодли ёшлар кўплиги мени ҳайратга солди.

«Туркистон» санъат саройида 25 ноябрь куни «Competizione dell'Opera» танловининг икки турдан иборат

ярим финал босқичи бошланди. Ҳар бир турда ёш опера хонандалари белгиланган дастурга мувофиқ мумтоз опера асарларидан ариялар ижро этади. Уларнинг ижроси таниқли опера хонандалари, жаҳондаги йирик опера театрлари раҳбарларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан баҳоланади.

— Саҳнага чиқиш мен учун ҳар гал ҳақиқий синов бўлади, — дейди туркиялик опера хонандаси, Дюссельдорф опера театри (Германия) стажёри Догус Гюней. — Танловнинг ушбу босқичи айнан Ўзбекистонда ўтказилаётганидан хурсандман. Негаки, мен бетакрор бу юртга келишни кўпдан буён орзу қилардим. Барча иштирокчиларга улкан муваффақият тилайман, самимий меҳмондўстлик учун Ўзбекистон халқига миннатдорлик билдираман.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири

So'z — xalqaro tanlov ishtirokchilariga

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ ДУНЁГА МАШҲУР

«Competizione dell'Opera» XIV халқаро опера ижрочилари танлови қизгин паллага кирмоқда. ЎЗА мухбири тадбир иштирокчиларидан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.

Маурицио ЧАМПИ, танлов ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Беллини халқаро опера санъати фестивали бош директори, Санта Чечелия консерваторияси профессори, дирижёр ва композитор (Италия):

— Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи тобора юксалиб бормоқда. Жаҳон санъатида юксак мавқега эга мазкур танловнинг Ўзбекистонда ўтказилаётгани ҳам бундан яна бир далолатдир.

Президент Ислом Каримов томонидан санъатни, жумладан, опера санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги хорижда ҳам яхши билишади. Бунда ўзбек опера ижрочиларининг ҳиссаси катта. Улар «Competizione dell'Opera» халқаро танловларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Бу галги ижодий беллашувда ҳам Ўзбекистон ёшлари юқори баҳоларга сазовор бўлмоқда. Улар танловнинг ғолиб ва совриндорлари сафидан жой олса, сираям ажабланмайман.

Катрин ГАРТАУС, «Competizione dell'Opera» XIV халқаро опера танловининг лойиҳа раҳбари (Австрия):

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Тошкент тасаввур қилганимдан ҳам гўзал ва тароватли шаҳар экан. Озода ва кенг кўчалар, ширинсухан одамлар ҳар қандай кишининг ҳавасини тортади.

«Competizione dell'Opera»да Ўзбекистон опера ижрочилари ҳар доим ўз маҳоратини жуда яхши намойиш этиб келади. Ушбу мусиқий байрам ижодий ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонаман.

Иштирокчиларга кўрсатилаётган эҳтиром ва эътибордан мамнунмиз. Танловни юксак савияда ташкил этгани учун Ўзбекистон раҳбариятига, тадбир ташкилотчиларига самимий миннатдорлик билдираимиз.

Карлат КАРАГЕДИК, солист (Туркия):

— Ушбу танловда иштирок этиш баҳонасида Ўзбекистонга келиш бахтига муяссар бўлганимдан жуда хурсандман. Мамлакатингизда санъатнинг барча йўналишидаги ўзига хос анъана ва мактабларни ривожлантириш, ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар таҳсинга лойиқ.

«Competizione dell'Opera» XIV халқаро опера ижрочилари танловида илк чиқишини Жозеппе Вердининг «Бал-маскарад» операсидан ария куйлашдан бошладим. Ўзбекистон опера ижрочилари чиқишини катта ҳаяжон билан томоша қилдим. Уларнинг барчаси жуда иқтидорли ва кучли рақиблардир. Тинч-осойишта, буюк мамлакатда яшаётган Ўзбекистон аҳлига чин дилдан ҳавасим келди.

Павел ПЕТРОВ, солист (Беларусь):

— Ўзбекистонда барпо этилган санъат саройлари, маънавият масканлари, мусиқа лицейлари, консерваторияни кўриб, мамлакатингиз ёшларига ҳавас қилдим.

Танловда иштирокчилар ва мухлислар учун зарур барча шароит яратилган. Бу бизни гоъят илҳомлантирмоқда. Ўзимнинг бор иқтидорим ва куч-ғайратимни сафарбар этиб, совриндорлар қаторидан жой олишга ҳаракат қиламан.

Ушбу нуфузли санъат анжумани дунё халқлари ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш баробарида опера санъати бўйича ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини ҳам бераётир.

ЎЗА мухбири
Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.

2014-yil 26-noyabr, № 95 (8744)

БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бунинг самарасида мустақиллик йилларида юртимизда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдақлар ўлими 3,2 баробар камайдди. "Она — бола скрининги" дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайдди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. "Save the Children" халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Жорий йилнинг мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилиниши ҳар томонлама етук баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган давлат сиёсатининг мантикий давоми бўлди.

Ўзбекистонда бола ҳуқуқларида ид бешта халқаро конвенция ратификация қилинган, ўндан ортиқ қонун қабул қилинган. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясида назарда тутилган мақсад ва вазифалар ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун асосида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари таъминланмоқда.

2014 йил 25 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун баркамол авлодни вояга етказиш, она ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлиқни янада кучайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқаро форумда ёш авлод камолоти йўлидаги ижтимоий шериклини мустаҳкамлаш, соҳа муассасалари фаолиятини ва ўзаро ҳамкорлиқни такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Ойлада маънавий қадриятларни кенг қарор топтириш, эҳтиёжманд оилалар ва

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга манзилли кўмак бериш, уларнинг жамиятга интеграциялашуви таъминлаш, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасидаги миллий ва хорижий тажриба юзасидан фикр алмашилди.

Форум иштирокчилари Ўзбекистонда бола камолоти йўлидаги бу каби долзарб вазифаларнинг муваффақиятли ижроси оилалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўзаро ҳамкорлигида таъминланаётганини юксак баҳолади. Мамлакатимизда оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишга оид миллий модель халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилаётгани таъкидланди.

Юртимизда ҳомиладор аёлларни скрининг текширув билан тўлиқ қамраб олиш, болаларни хавфли юқумли хасталикларга қарши эмлаш, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтиришга оид чора-тадбирлар болаликдан ногиронлик, туғма ва ирсий хасталикларнинг олдини олиш имконини бермоқда. "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги жамиятимизда юксак маънавий муҳитни қарор топтириш, миллий менталитетимизга ёт зарарли таъсирларга қарши туришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида барча маҳаллада "Ота-оналар университети" ташкил этилган. Фарзанд тарбиясининг ҳуқуқий, психологик, ижтимоий жиҳатларини ота-оналарга атрофлича тушунтириш, зарур маслаҳат қўмагини кўрсатишда ушбу жамоат тузилмалари муҳим ўрин тутаётди.

Мамлакатимизда ота-она меҳридан маҳрум ва имконияти чекланган болалар ҳар томонлама қўллаб-қув-

ватланаётди. Меҳрибонлик уйлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларда тарбияланаётган болаларнинг тўлақонли таълим-тарбия олиши ва касб-хунар эгаллашига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Sen yolg'iz emassan" республика жамоатчиликлари болалар жамғармаси ва Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, мураккаб тақдирли болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, жамиятга интеграциялашувида ёрдамлаш борасида изчил ишларни амалга оширмоқда. Кам таъминланган оилалар фарзандлари, алоҳида эҳтиёжли болалар юртимиз ва хорижий клиникаларда даволанаётди. Туғма хаста болалар учун коррекцион-даволаш курслари, тиббий қўриқлар ўтказилиб, ота-оналарга ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий кўмак берилмоқда.

Бундай тизимли ишлар халқаро миқёсда ҳам ўрнатилган аризилик тажриба сифатида эътироф этилмоқда.

— Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар, бу борада тобора фаоллашиб бораётган ижтимоий шериклик ҳақида маълумотга эга бўлдик, — деди ЮНИСЕФнинг болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича эксперти Смаранда Попа (Руминия). — Боланинг баркамол ривожланиши учун энг муҳим маскан бу — оила. Ўзбекистонда оилаларни мустаҳкамлаш, турмуш маданиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилаётганини диққатга сазовор. Бундан қўллаб-мамлakatлар ўрнатилган аризилик тажриба сифатида эътироф этилмоқда.

Анжуманда хорижлик мутахассислар Ўзбекистонда баркамол авлод-

ни тарбиялаш, болалар манфаатларини таъминлаш, айниқса, ота-она меҳридан бебаҳра қолган болаларга ғамхўрлик қилиш, уларни фарзандликка олиш, эҳтиёжманд оилаларга ҳар тарафлама кўмак беришга оид эзгу саъй-ҳаракатлар кучли ижтимоий йўналтирилганини, турли ташкилотлар ҳамкорлигида ижтимоий шериклик асосида аниқ ва манзилли тарзда амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистоннинг бу борадаги илгор тажрибаси кўпгина мамлакатлар учун ўрнатилган бўлиши мумкинлиги қайд этилди.

— Ўзбекистонда инклюзив таълим ривожлангани эътиборга молик, — деди халқаро эксперт Мэтью Гриффитс (Буюк Британия). — Ушбу таълим тизимини изчил такомиллаштиришга Президент Ислом Каримов раҳнамолигида катта эътибор берилган. Тошкент давлат педагогика университетида мазкур йўналишда кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш йўлга қўйилгани мамлакатнинг келгусида мазкур соҳада янада катта ўтуқларга эришишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантиришда ижтимоий шериклигининг аҳамияти, болаларни самарали ҳимоя қилиш учун курашчи тизими (гейткпинг), болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида эришилган ўтуқлар ва истиқболлар, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ижтимоий шериклигининг асосий йўналишлари, инклюзив таълимни татиқ этишда ижтимоий шериклик ва халқаро тажриба, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликни бартафур эътиборида қилинаётган ишлар каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Халқаро форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИДА ИШ ҚИЗГИН

Бугунги кунда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар шу йилнинг 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайлови доирасида сайловолди ташвиқотини олиб бормоқда. Ўз навбатида, Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган тадбирлар дастури асосида барча даражадаги сайлов комиссиялари томонидан сайловга тайёргарлик ишлари изчил амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 1-республика тиббиёт коллежи биносига жойлашган 401-сайлов участкасига кириб борар эканмиз, бу ерда ҳам муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик кўриш ва ушбу ўтказиш борасидаги ишлар дастурга тўла мувофиқ ҳолда бажарилаётганига гувоҳ бўлдик. Сайлов участкаси барча зарур меъбел хижозлари, компьютер, мультимедиа воситалари, телефон, факс сингари алоқа ускуналари, ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланган. Участка сайлов комиссияси аъзоларининг сайловга оид янгиликларни телевидение, радио

ва матбуот нашрлари орқали мунтазам кузатиб бориши учун барча шaroитлар яратилган.

Овоз бериш куни сайлов участкасига келадиган ёш болалари оналар учун ажратилган она ва бола хонаси керакли хижозлар, турли йўндоқлар билан таъминланган. Сайлов куни бу ерда мактабгача таълим муассасаларининг мутахассислари фарзандларимизга ғамхўрлик кўрсатиши учун барча имкониятлар ҳозирлаб қўйилди. Зарур ҳолларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун тайёрланган хона ҳам дори воситалари ва тиббий хижозлар билан таъминланган.

— Сайлов участкамизда Чилонзор туманининг Е ва 4-мавзелидаги истиқомат қиладиган 2 минг 366 нафар сайловчи овоз бериши қўтилмоқда, — дейди 401-сайлов участка сайлов комиссияси котиби Феруза Шарифхўжаева. — Айни пайтда комиссия аъзолари сайловчиларнинг рўйхатини тузиш, овоз бериш биноси,

Saylov — 2014

сайлов қўтилари ҳамда бошқа сайлов ашёларини тахт қилиб қўйиш борасида тегишли ташкилий ишларни амалга оширмоқда. Шу билан бирга, Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва Чилонзор туман Кенгаши депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари ҳақида фуқароларни олдиндан хабардор қилиш орқали бундай тадбирларнинг самарали ўтишига қўмаклашяпти.

Сайлов участкаси жойлаш-

ган коллежда ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни сайлов қўнунчилиги билан таништириш мақсадида олиб борилаётган ишлар билан ҳам қизиқдик.

— Коллежимизда ўқувчиларнинг сиёсий ва ҳуқуқий савиясини янада ошириш, уларнинг сайлов қўнунчилигига оид билимларини мустаҳкамлаш мақсадида турли тадбирлар, махсус ўқув курслари ташкил этилмоқда, — деди ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси Қўлмам Дўсимов. — Яқинда Тошкент давлат юридик университети талабалари иштирокида учрашув ташкил этилди. Ўқувчиларга сайловларнинг давлат ва жамият ҳаёти ва тараққиётидаги аҳамияти, хусусан, ёшлар келажигида нақадар муҳим аҳамият касб этиши, сайлов қўнунчилигига қиритилган ўзгаришлар тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш махсус ўқув курсида ҳам сайлов масаласига алоҳида ўрин ажра-

тилган. Ўқувчилар мазкур курслар ёрдамида фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, парламент Қўнунчилик палатаси ва Сенатига сайланиш тартиби, депутатликка номзодларга қўйилаётган талаблар ҳақида кенг билимларга эга бўлмоқда.

— 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловда илк бор овоз бермаган. Чунки мен 18 ёшга тўлдим, энди жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ўз овозимга эга бўлдим, — дейди коллежнинг 3-босқич ўқувчиси Барнохон Асдуллаева. — Келгусида тиббиёт йўналишидаги олий таълим даргоҳида тахсил олиб, бор куч, билим ва имкониятларимни халқимизнинг соғлиғини сақлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўлида сафарбар этиш ниятидаман. Шу маънода, сайловолди дастурида мен каби ёшларнинг ҳаётий мақсад ва режалари ижобатга ижобий таъсир кўрсатадиган аниқ вазифаларни белгиланган номзодлар учун овоз бермоқчиман.

Санжар РУСТАМОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ Термизда "Энг намунали тадбиркор аёл лойиҳаси — 2014" кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Ғолиблар тадбиркорликда эришган ютуқлари, мамлакатимиз ва вилоят миқёсидаги кўргазмалардаги иштироки, ишлаб чиқарётган маҳсулот, кўрсатаётган хизмати сифати каби кўрсаткичларига биноан аниқланди.

Термиз шаҳридаги "Лола-имкон-барака" хусусий корхонаси раҳбари Сайёра Қулматова "Ишлаб чиқариш соҳасида энг яхши тадбиркор аёл", Қўмқўрган туманидаги "Аъзамбой-Очилбой" хусусий корхонаси раҳбари Зулфия Чориева "Сервис соҳасида энг яхши тадбиркор аёл", Сариосиё туманидаги "Моҳларойим" хусусий корхонаси раҳбари Гулбаҳор Давидова "Қишлоқ ҳойларда энг яхши тадбиркор аёл" йўналишлари бўйича ғолиб деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

Танлов доирасида тадбиркор аёллар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

❖ Хоразм вилояти Қўшқўпри туманида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва Ҳабиат фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят ва туман ҳокимликлари, адлия босқармаси вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ўқитувчилар, ўқувчилар, "Қамолот" фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда Асосий қонунимиз мазмун-моҳияти, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилди.

Вилоят таълим муассасаларида Конституциямиз алоҳида фан сифатида ўргатилаётган. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Тадбирда Конституциямизни чуқур ўрганишга қаратилган ишлар самарадорлигини янада ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Бундай тадбирлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилмоқда.

❖ Фарғона вилоятининг Бешариқ тумани тиббиёт бirlашмасининг янги бинолари фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли, хўсусан, аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги шифо масканлари барпо этиш, уларни илғор ва замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўтган йили қурилиши бошланган шифохона мажмуасида шошилчин, жарроҳлик, реанимация, қабулхона бўлимлари бунёд этилган эди, — дейди туман тиббиёт бirlашмаси бошлиғи А.Тўхтақулов. — Бугун эса 100 ўринга мўлжалланган терапия бўлими биноси ҳамда ошхона иш бошлади. Янги бўлимлар энг замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган туфайли хасталикларни ўз вақтида ва тўғри аниқлаш ҳамда самарали даволаш учун катта қулайлик яратилди. Кенг ва ёруғ хоналарда шифокор ва беморлар учун барча шарт-шароит мавжуд.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУНОСАБАТЛАРИ МУСТАҚАМЛАНМОҚДА

Тошкентда «Саноатни автоматлаштириш учун интеллектуал тизимлар — WCIS—2014» VIII бутунжаҳон конференцияси ўз ишини бошлади.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологиялари ривожлантириш мувофиқлаштириш қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, Ўзбекистон, АҚШ ва Германиянинг қатор компаниялари, жамоат ташкилотлари ва илмий марказлари томонидан ҳамкорликда ташкил этилди.

Конференцияда мамлакатимизнинг йирик саноат корхоналари раҳбар ва мутахассислари, Ўзбекистон, АҚШ, Россия, Қозғистон, Украина, Озарбойжондаги етакчи университетлар олимлари, шунингдек, юртимиз олий ўқув юртларининг илмий ходимлари,

магистрантлар ва иқтидорли талабалар иштирок этмоқда.

Тадбирни ўтказишдан қўлланган асосий мақсад саноатни автоматлаштириш учун интеллектуал тизимлар яратиш муаммосини муҳокама қилиш, ахборот технологиялари соҳасида мамлакатимиз ва хорижий илм-фан ютуқларини намойиш этиш, сунъий интеллект яратиш, рақобатбардош, илмталаб инновацион ишланмаларни кейинчалик саноат корхоналарига жорий қилиш учун тақдим этишдан иборат.

Конференцияда Ўзбекистонда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялаштирилган таъкидланди. Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва муваффақиятли амалга

Ватан келажаги сенинг қўлингда!

«Ёшлар ижод саройи»да Бош Қомусимиз қабул қилинганнинг йигирма икки йиллиги муносабати билан «Қамолот» ЁИХ томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва Ҳабиат фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзусида «Ватан келажаги сенинг қўлингда!» ва «Мен сайловга тайёрман!» шиори остида расмлар танлови ташкил этилди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси, Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълим вазирликлари, Бадий академиянинг вакиллари, иқтидорли ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Хар бир суратда тинчликни улуғловчи, оқойишталик, хотиржамликни кўйловчи лавҳалар акс эттирилган, — дейди Қамолдидин

Беход номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти проректори Дилфуза Раҳматуллаева. — Лойиҳани ташкил этишдан қўлланган мақсад ёшларнинг ҳаياتдаги сиёсий шарафларга мустақил ва онгли муносабатини шакллантириш, айниқса, биринчи марта сайловда қатнашаётган ёшларнинг муҳим сиёсий воқеликка дахлдорлик ҳиссини қучайтиришдан иборат.

Танловда Қамолдидин Беход номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Республика рассомлик коллежи, Республика ихтисослаштирилган санъат коллежи ва қатор ихтисослашган мактабларнинг иқтидорли ўқувчилари иштирок этмоқда. Ижодий ишлар шу йилнинг 28 ноябрь куни ўтказилаётган расмлар кўргазмасида танлов ҳайъати томонидан баҳоланади.

Бобобек МАХРАМОВ

Муаллимлар учун тўхфа

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшлар қалбида билим олишга иштиёқни қучайтиришда бошланғич таълимнинг ўрни беқисс. Шу боис «Соғлом бола йили» Давлат дастурида бошланғич таълим тизимини тақомиллаштириш, ўқитиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Давлат дастури ихросини таъминлаш мақсадида шу йилнинг март ойида Халқ таълими вазирлиги томонидан бошланғич синф ўқитувчилари учун методик қўлланмалар яратиш, нашр этиш ҳамда дарсликларнинг мультимедияли иловаларини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этишнинг 2014—2017 йилларга мўлжалланган режаси тасдиқланди. Унга мувофиқ 1—4-синф ўқитувчилари учун ўқув фанларидан илғор педагогик ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари асосида босқичма-босқич методик қўлланмалар яратилиши режалаштирилди. Яқинда таҳрибали мутахассислар, олимлар, тадқиқотчилардан иборат ишчи гуруҳ томонидан 1-синф ўқитувчилари учун мўлжалланган 7 номдаги — «Саводга ўргатиш», «Она тили», «Ўқиш», «Математика», «Атрофимиздаги олам», «Русский язык» ва «Чтение» методик қўлланмалари мультимедияли иловалари билан ярати-

либ, республикамизнинг барча мактабларига тарқатилди. Айни пайтда муаллифлар иштирокида жойларда семинарлар ташкил этилиб, қўлланмалар тақдироти ўтказилмоқда.

Бухоро вилоятида бўлиб ўтган семинарда ҳудуддаги барча туман ва шаҳар ХТМФМТТЗ бўлимлари методистлари ҳамда умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари иштирок этди. Тадбирда муаллифлар методик қўлланма ҳамда мультимедияли иловаларнинг таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи ўзига хос жиҳатлари, материаллар, методик усуллар, улардан унумли фойдаланиш ҳақида батафсил маълумот берди.

— Мультимедияли иловаларда дарсликдаги нисбатан мураккаб бўлган мавзулар қамраб олинган, — дейди ишчи гуруҳ раҳбари Басно Абдуллаева. — Мақсадимиз қўлланма орқали ўқитувчиларга методик

қўмак бериш, шу билан бирга, уларни ижодий изланишга, методик технологияларга ижодий ёндашган ҳолда бошқа мавзуларни ҳам ноъанавий тарзда ўргатишга ундашдан иборат. Мавзуларни ёритишда жаҳон тажрибалари ва миллий қадриятларимизга таянилди. Уларда ўзбек халқ қўшиқлари, миллий истиклол ғоялари билан суғорилган мультимедия ва видеороликлардан фойдаланилди.

Тадбирда ўқитувчиларнинг янги қўлланмалар ҳақидаги фикр ва тақлифлари ҳам тингланди.

— Бу бошланғич синф ўқитувчилари учун ажойиб тўхфа ва имконият бўлди, — дейди Жондор туманидаги 49-ИДУМИ ўқитувчиси Умида Нуриллаева. — Электрон дарсликлар ўқитувчининг кўргазмалар воситалар тайёрлашга кетадиган вақтини тежайди. Бундан ташқари, улар ДТД талабалари асосида тузилган бўлиб, дарс усули, тип, босқичлари ўринли белгиланиб, мақсадлари аниқ очиб берилган. Ҳам таълимий, ҳам тарбиявий жиҳатдан мукамал, замонавий талабларга жавоб беради.

Ирода ОРИПОВА, «Ma'rifat» мухбири

Ёшлар орзусидаги «Қамолот» уйлари

Қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган тураржойлар ҳар томонлама қулайлиги билан барчага манзур бўлмоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Андижон шаҳри, Асака ва Балиқчи туманларида ҳам «Қамолот» уйлари қурилмоқда.

Асака шаҳрида 48 хонадонга мўлжалланган тўрт қаватли тураржойни барпо этишда «Анд-контракшн» масъулияти чекланган жамияти бинокорлари меҳнат қилмоқда.

— Юзга яқин қурувчиларимиз икки сменада ишлапти,

— дейди қурилиш ташкилоти мутасаддиси Қодиржон Нўъмонов. — Жадал, сифатли иш бажаришга ҳаракат қилаймиз. Яқин кўнларда ёшлар учун аталган тураржойни фойдаланишга топшираемиз.

Қурилиш майдонида Сайё-

раҳон ая ва Алижон ака Тўрақуловларни учратиб қолдик.

— Ўғлимиз Сардорбек «Қамолот» уйидан олиш истагида, — дейди ота-она. — Бугун фарзандларимиз учун қурилатган уйни кўришга келдик. Қурувчиларнинг ишидан кўнглимиз тўлди. Ўртбошимизга раҳмат, ўғил-қизларимизнинг замонавий уйларида яшаш учун шунча шарт-шароит яратиб бермоқда. Бундай кўркям уйларида яшашнинг ўзи бир бaxт.

Орифжон СИДДИКОВ

2014-yil 26-noyabr, № 95 (8744)

Кирк беш дақиқалик дарс таълим жараёнининг юраги ҳисобланади. Бу пайтда ўқувчи диққати тўлалигича билим олишга, янгиликларни ўзлаштиришга қаратилади. Дарснинг сифати эса ўқувчи эгаллаётган кўникма ва малакаларга бевосита таъсир кўрсатади. Шундай экан, ҳар бир дарс давлат таълим стандартлари талабларини ўзида акс эттирган, ўқувчиларни янги билим олишга ундайдиган ижодий жараён бўлиши зарур. Самарали дарс ташкил этиш учун барча аудиторияга мос келадиган тайёр шаблон мавжуд эмас, яъни ягона намунали дарс қолипи йўқки, уни ёдлаб олиб, айтиб берса. Фақат ҳар бир педагог ҳамкасбларининг дарсларини кузатиши, таҳлил қилиши, тажрибали устозларнинг педагогик маҳоратини синчковлик билан кузатиши ва ўргатилганларини амалиётга татбиқ этиши мумкин. Хўш, дарс кузатиш ва таҳлил қилиш педагогга нима беради ва у қайси асосларга кўра тартибланади?

Умумтаълим мактабларида дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш тартиби тизимли шаклланган. Таҳлил этиладиган дарслар режаси директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади. Дарс таҳлиллари учун алоҳида дафтар юритилиб, саҳифаланади ва шурланб, тегишли тартибда ҳақ таълими бошқарув идоралари раҳбарлари имзоси ва муҳри билан тасдиқланади.

Ўқув йили давомида ҳар ҳафтада ўқувчилар томонидан камида бир соат, мактаб раҳбарлари ва ўринбосарлари, туман ХТМФМТЭ бўлими услубчилари томонидан камида 4 соат, ҳақ таълими бошқаруви идоралари раҳбарлари томонидан камида 2 соат дарс таҳлил қилиниши лозим. Дарс таҳлиллари дафтарлари ҳар ойда камида бир марта таълимнинг бошқарув идоралари раҳбарлари томонидан ўрганилиб, ишлаб чиқариш йиғилишларида муҳокама қилинади ҳамда тегишли тақлиф ва мулоҳазалар қайд этиб борилади. Дарснинг кундалик режалари ва дарс таҳлиллари дафтарлари тегишли мактаб ва таълимнинг бошқарув идоралари архивига уч йилга сақланади.

Дарс кузатишни нимадан бошлаш керак?

— Аввало ўқувчи фаолияти, дарс мавзуси, ўқувчиларнинг шу фан бўйича ўзлаштириш мониторинги билан танишиш, бу ўқувчи дарси охириги марта қачон кузатилгани, таҳлил ҳулосаларини ўрганиш лозим, — дейди Самарқанд вилояти Жомбой тумани ХТМФМТЭ бўлимининг бошланғич таълим методисти Сайхалбек Наримов. — Сўнг дарсга кириш ҳақида ўқувчиға айтиб, мақсадни тушунтириш керак. Дарсга ўқувчинини оғоҳлаштирмасдан, тўғридан-тўғри кириш баъзи англашилмовчилик ва психологик тўсиқларни пайдо қилиб, дарс сифатига таъсир этади. Кузатувчи ўқув хонасига кўнгирок чалинишидан олдин кириши, ортқика хатти-ҳаракатлар билан ўқувчилар диққатини тортмаслиги зарур. Дарс ярмида чиқиб кетмаслик, ўқувчиға текилиб қарамаслик, уяли телефонда сўзлашмаслик ҳам кузатувчи маданиятини белгилайди. Дарс бошлангач, кузатувчи ўта зийрак бўлиши, ҳатто педагогнинг дарсга кириб келгандаги кайфияти, ишончли қадам ташлаши, самимилиги, биринчи сўзи, ташқи қиёфасини ҳам назардан қочирмай, керакли ёзув, тақлиф ва тавсияларни дафтарга қайд қилиб бориши лозим. Демак, ўқувчи фаолиятга самимий муносабатда бўлиш, унга ҳурмат билан қараши, ҳаракатларини маъқуллаб туриш ҳам педагогга далда бўлади.

Дарсдан кейинги таҳлилда аввал ўқувчинини эшитиш, таҳлил натижаларини ҳолис баён қилиш, ютуқларни эътироф

этиш ва ундан кейингина камчиликларни тақлиф ва тавсия сифатида билдириш мақсадга мувофиқдир. Агарда методист-кузатувчи дарс таҳлилин шундай усталик билан уюштирса, ўқувчини обрўсини кўтарса, унда янада самарали меҳнат қилишга ҳоҳиш уйғотолса, кейинги дарсларда, албатта, ихобий силжиш бўлади. Ўтказилган

оид янги илмий-назарий ахборотлардан хабардорлиги, илмий қоида ва таърифларни тўғри баён этиб, атамаларни ўқувчиларга осон тушунтиришини назардан қочирмаслиги муҳим. Дарсда қўлланган усуллар таълим турига ҳослиги, ўқув материалларини баён қилиш ва тушунтириш жараёнидаги усулларнинг шу материалга мос ёки мос эмаслиги **методик таҳлил** давомида аниқланади. Усулларнинг самарадорлиги, ранг-баранглиги, намунавийлиги янги мавзунини ўқувчилар қай даражада ўзлаштиргани билан белгиланади. **Дидактик таҳлил** эса дарс самарадорлиги, қоидаларнинг қанчалик тўғри ҳамда мукаммал бажарилганлигини кузатиш демакдир. **Умумпедагогик таҳлил** — дарсдаги ҳамма жиҳатларнинг қисқа ва енгил кўринишдаги таҳлили. Бунда синфхонанинг дарс ўқишга тайёрлиги, жиҳозлардан тортиб ўқувчиларнинг дарсга муносабати ва ҳурмат билан қараши, ўқувчининг дарсдаги бош-

чиларнинг ёш ҳусусияти ҳисобга олингани каби масалалар тўғрисида фикр юритилмайд.

— Яна бир жиддий камчилик ўқувчининг ўзини ўзи таҳлил қилишга эътибор қаратмасликидир, — дейди Дилором Абдурахмонова. — Ўзини ўзи таҳлил қилиш тамойили ўқувчининг ўз фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларини аниқлаш ва бартараф этишга оид мақсадли йўлни белгилаб олишига асос бўлади. Ўқувчилар ақсарият ҳолларда дарс жараёнида қуйидаги хато ва камчиликларга йўл қўядилар:

- дарс мақсади билан ўқувчиларни таништирмаслик;
- интерфаол методлардан самарасиз фойдаланиш;
- дарс жараёнида барча ўқувчиларнинг иштирокини таъминлаб олмастик;
- ўқувчилар билан яққа ва жамоа тартибда ишлашга эриша олмастик;
- ўқувчиларнинг мустақил ишлашини таъминламастик;

ДАРС КУЗАТУВИ

қандай амалга оширилади?

таҳлил ўқувчида кўтаринки руҳни пайдо қилса, келгусида намунали очик дарслар ташкил этишга уринади.

— Шахсан ўзим тажрибамда дарс таҳлилига шундай ёндашган ҳолда ҳар ўқув йилида камида 80та дарс таҳлил қиламан, — дейди Сайхалбек Наримов. — Методист-ўргатувчи ва педагог-ўргатувчи сифатида таҳлилға киришаман. Олайлик, 46-мактаб ўқувчиси Нигора Бердиева янгица дидактик методлардан фойдаланиб, қизиқarli дарс ташкил этди. Педагогнинг намунали дарсларини туманда ўтказилган семинарларда ҳамкасблари эътиборига ҳавола этиб, мутахассислардан тақризлар олдиқ ва туманда, сўнгра вилоят миқёсида оммалаштирдик. Хозир туманимиздаги 165 нафар тажрибали устозлар шоғирдлари билан ҳамкорликда ишлаб, ўзаро дарсларини таҳлил қилишди, бир-бириға амалий ёрдам беришди. 23-мактабнинг ёш ўқувчиси Камола Отакулова дарсларига кирганимда ҳаяжонланиш ва қатор услубий камчиликларга йўл қўйгани кузатилди. Педагогға методик ёрдам кўрсатиб, устоз ўқувчиға бириктириб, семинарларға тақлиф этишимиз натижасида малакаси ошди. Айни ўқув йилида Камола Отакулова очик дарслар ташкиллаштириб, тажрибали устозлар сафидан жой олди.

Дарсда қандай хатоларға йўл қўйилади?

Дарс таҳлили кузатувчиға ҳам, кузатилувчиға ҳам ўрганиш ва ўргатиш имконини беради. Маҳоратини чархлашға хизмат қиладиган бу педагогик вазиятда, яъни таҳлил жараёнида нималарни баҳолаш лозим? Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти катта ўқувчиси Дилором Абдурахмонова таҳлил турлари ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Дарсин илмий, методик, дидактик, умумпедагогик ва психологик таҳлил қилиш мумкин. Кузатувчи дарсини **илмий таҳлил** қилаётганда ўқувчининг фани илмий асосда чуқур билиши, дарсга илмий жиҳатдан тайёргарлиги, мутахассислигига



қарувчилик роли ва иш услуби-гача ҳисобга олинади.

Дарсин **психологик таҳлил** қилишда ўқувчининг мураккаб ўқув материалини ўқувчилар идрок этиши учун қулай, тушунарли ҳамда қизиқarli тақдим этиши, ёқин мисоллар, ўқаштиш ва қиёслашлар, кўргазмалар материаллардан фойдаланиш, ҳаёт билан боғлаш, ҳар бир болага алоҳида ёндашиш каби масалаларға эътибор қаратилади.

Кузатилган дарсини таҳлили умумий педагогика ва ҳусусий методика талаблари нуктаи назаридан бир ҳил бўлса ҳам, лекин ҳар бир фаннинг ўз талаблари бор. Масалан, физика, кимё, биология дарсларида ўқувчиларнинг амалий тажриба ўтказишлари ва бошқа амалий малакаларига аҳамият берилса, она тили ва адабиёт дарсларида нутқнинг раволиги, ижодий фикрлашға диққат қилинади. Лекин ҳамма фан бўйича дарс кузатиш ва уни таҳлил қилишдан асосий мақсад ўқувчиларнинг билим ва малакаларини тақомиллаштиришға, ўқувчиларнинг масъулиятини оширишға қаратилмоғи лозим. Таъкидлаш жоизки, таҳлилда айрим кузатувчилар дарсга яхлит тизим сифатида қарамай, кўпроқ ташқи жиҳатларига баҳо берадилар, дарсини мазмун-моҳияти ҳусусида юзакки мулоҳаза юритадилар. Шунингдек, дарс таҳлилда ўқувчининг кўргазмаларни қўллардан фойдаланиши, дидактик карточкалар билан ишлаши ва ҳоказолар айтилади-ю, улардан нима мақсадда, қайси вазиятда фойдаланилгани, қанчалик самара бергани, вақт тақсимоти, ўқув-

- ўқувчилар бажарган ишларини вақтида баҳоламастик;
- нутқининг равои, таъсирчан эмаслиги;
- мавзунини амалиёт билан боғлаб тушунтирмаслик;
- мавзунини илмий ва амалий жиҳатдан тушунтиришға эътибор бермаслик;
- синф доскаси, дарслик, ўқувчи дафтари, қўшимча адабиётлардан фойдаланишининг тизимли йўлга қўйилмаганлиги;
- ўқувчиларға бериладиган саволларнинг муаммоли тарзда тузилмаганлиги ва ҳоказо.

Дарслар аниқ мақсад асосида кузатилиши ва таҳлил қилиниши лозим. Шундагина натижа самарали бўлади ва ўқув жараёни юзасидан аниқ ҳулоса чиқарилади. Дарс таҳлилида изчиллигининг, аниқ бир мақсаднинг йўқлиги, дарсга тасодифан қатнашиш, дарсини чуқур таҳлил қила олмастик, ўқувчиға амалий ёрдам кўрсата билмаслик каби жиҳатлар дарс сифати ва савиясининг пасайиб кетишиға олиб келади.

Таҳлилдан сўнг ўқувчи маҳорати ошин

Дарс таҳлили борасида тушулча ҳосил қилиб олгач, пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 165-мактабға йўл олдиқ. Шу кунни мактаб директори Шохиста Мирзахўжаева тарих фани ўқувчиси Ойгул Холмуродованинг 8-синфда ўтаётган дарсини кузатишни режалаштиргани экан. Дарсин таҳлил этиш варақасини тўлдирар экан, раҳбар 45 дақиқалик фаолиятнинг давлат таълим стан-

дартларига жавоб бериши, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, янги мавзунини тушунтиришда асосий фикрни ажратиб олиш, илмийлик ва соддалик, кўргазмалилик, мақсадни тўғри қўйиш, дарсини тўғри режалаштириш, дарсда ҳамкорликка эриша олиш, билим ва кўникмаларни ўзлаштиришни назорат этиш, ўқувчилар билан яққа ва жамоада ишлаш каби жиҳатларға алоҳида эътибор қаратди. Дарс охирида ўқувчилар эгаллаган билимлар назорат қилинганда кўрсаткич 90 фоизни ташкил этди. Шохиста Мирзахўжаева ҳулосаларини самимий тарзда баён этаркан, шундай деди:

— Дарсда қўйилган мақсадға эришилди. Бу машғулоти беамалол туман ва шаҳар миқёсида ўтказиладиган анжуманларға намуна сифатида тавсия этсак бўлади. Менимча, дарс берувчини қуруқ танқид қилиш эмас, ижобий тарафларини кўрсатиш, методик тавсия ва йўриқлар билан кўмаклашиш керак. Ана шунда кузатув ва таҳлиллار педагогларнинг руҳиятини синдирмайди, балки маҳоратини оширишға хизмат қилади. Ёш мутахассислар, шунингдек, дарсда камчилиги бор деб топилган педагогларнинг ўз устида ишлаши, методистлар билан ҳамкорлик қилишға шариот яратиб бериш йўлларини излаймики. Методика кенгашида ўқувчиларнинг бир-бириға дарс ўтиб бериш тажрибасини йўлга қўйганмики. Дарсларни педагогик кенгашларда муҳокама қилиб, зарур ҳолларда ўқувчиларға малака оширишға йўланма берамиз. Мавзун вақтдан кейин педагогларда ижобий ўзгаришлар, хатолар устида ишлаш кўникмаси шаклланиши кўзга яққол ташланади.


Ўқувчининг педагогик маҳоратини бир кунда ошириб бўлмайд.

Бунда мактаб маъмуриятининг ҳамкорлиги, қўлаб-қувватлаши ва, энг асосийси, педагогнинг ўз устида ишлашға иштиёқи энг муҳим омил саналади. 165-мактабда 80 га яқин педагог фаолият олиб боради. Улардан 30 нафари ёш мутахассис. Ўтлаётган дарслар сифати ва натижасини аниқлашда дарс жараёнини таҳлил қилиш ва кузатиш катта ёрдам беради. Ҳар бир педагог, директор ўринбосарлари, мактаб раҳбари ҳам дарсларни кузатиб, таҳлил натижаларини ҳолис баҳолаб, мавжуд камчиликларни кўрсатиш билангина чекланмай, уларни бартараф қилиш юзасидан амалий-методик ёрдам қилишди. Амалий ва методик ёрдам якунида ноанъанавий педагогик кенгаш ташкил этилиб, камчиликлар қандай бартараф этилгани, натижалари кўриб чиқилади.

Дарс кузатиш ва таҳлил қилиш фақатгина методик аҳамиятга эга бўлмай, мактабда ўқув-тарбия жараёниға раҳбарлик ва назоратнинг муҳим шаклларида бири ҳамдир. Зеро, ўқувчи дарсини кузатиш ва таҳлил қилишнинг тизимли йўлга қўйилиши дарсларни қиёслаш ва хатоларнинг бартараф этилганини аниқлаш имконини беради. Ўқувчиларнинг ўзаро дарс кузатиши эса тажриба алмашиув жараёни бўлиб, дарс ўтаётган ўқувчи бор маҳоратини ишға солиб, юқори ишчанлик билан фаолият кўрсата, таҳлил қилувчи эса тақлиф ва мулоҳазалар бериш орқали тажрибасини бойитади, методик малакасини оширади.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

KONSTITUTSIYA — HUQUQLARIMIZ KAFOLATI



Huquqiy bilimlarni keng targ'ib qilish, aholi, ayniqsa, yoshlarning huquqiy madaniyatini yuksaltirish inson huquqlari ustuvor bo'lgan jamiyatni barpo etishga xizmat qiladi. Prezidentimizning 1997-yil 25-iyundagi “Huquqiy tarbiyani yaxshilash, aholining huquqiy madaniyati darajasini yuksaltirish, huquqshunos kadrlarni tayyorlash tizimini takomillashtirish, jamoatchilik fikrini o'rganish ishini yaxshilash haqida”gi farmoni, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining 1997-yil 29-avgustdagi qarori bilan tasdiqlangan “Jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirish milliy dasturi” ushbu sohadagi muhim qadam hisoblanadi. 2001-yilning 4-yanvarida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasini o'rganishni tashkil etish to'g'risida”gi farmoyishi, shuningdek, 2008-yilning 1-may kuni “Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasining 60 yilligiga bag'ishlangan tadbirlar dasturi to'g'risida”gi farmoni ham shular jumlasidandir.

Ushbu me'yoriy-huquqiy hujjatlar ijrosini ta'minlash yuzasidan Xalq ta'limi vazirligida o'tgan yillar davomida 100 ga yaqin me'yoriy hujjatlar qabul qilinib, ta'lim-tarbiya jarayoniga tatbiq etildi.

Huquqiy ta'limni takomillashtirish maqsadida birinchi marotaba huquqiy ta'limning davlat ta'lim standartlari yaratildi. Unga ko'ra, uzluksiz huquqiy ta'lim aniq bir maqsadlarga qaratilgan bosqichlarga ajratildi. Jumladan, O'zbekiston Respublikasining “Ta'lim to'g'risida”gi qonuni va Kadrlar tayyorlash milliy dasturiga asosan respublikamiz ta'lim tizimida uzluksiz huquqiy ta'lim aniq bir maqsadni ko'zlagan holda o'quvchi-yoshlarning psixologik va fiziologik rivojlanishlarini e'tiborga olgan holda bosqichma-bosqich amalga oshirilmoqda. Huquqiy ta'lim-tarbiyani bunday shakllantirishi umume'tirof etilgan xalqaro hujjatlarga ham to'liq mos keladi.

Davlatimiz har tomonlama rivojlangan barkamol inson shaxsini shakllantirish maqsadida o'zining Asosiy qonuni — Konstitutsiyasida bilim olish huquqini kafolatlaydi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 41-moddasida “Har kim bilim olish huquqiga ega. Bepul umumiy ta'lim olish davlat tomonidan kafolatlanadi. Maktab ishlari davlat nazoratidadir”, deb belgilab qo'yilgan. Konstitutsiyamizning muqaddimasini e'tibor bilan o'qir ekanmiz, “xalqaro huquqning umume'tirof etilgan qoidalari ustunligini tan olgan holda”, degan jumalarga ko'zimiz tushadi. Demak, Asosiy

qonunimiz xalqaro huquqning umume'tirof etilgan qoidalari tan olar ekan, ta'lim sohasida ham inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasining 26-moddasida “Har bir inson ta'lim olish huquqiga ega... Ta'lim inson shaxsini to'la barkamol qilishga va inson huquqlari hamda erkinliklariga nisbatan hurmatni kuchaytirishga qaratilmoqchi lozim”, deya ta'kidlanadi. Demokratik huquqiy jamiyat qurish inson huquqlari sohasida ta'limni tashkil qilish darajasiga ko'p jihatdan bog'liq. BMT tomonidan ta'lim — demokratiyaning asosi degan g'oya ilgari surilgan. O'zbekiston BMTning ta'lim to'g'risidagi g'oyalardan kelib chiqqan holda o'zining yangicha, bugungi kun talab va ehtiyojlariga to'liq mos keladigan ta'lim tizimini yaratdi va muvaffaqiyatli ravishda amaliyotga joriy etmoqda. Shaxsning asosiy huquqlaridan biri sifatida ta'lim olish huquqidan barcha fuqarolar teng sharoit, imkoniyatlar asosida foydalanishi uchun barcha zarur me'yoriy-huquqiy baza va mexanizmlari yaratilgan.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 4-moddasida O'zbekiston Respublikasi o'z hududida istiqomat qiluvchi barcha millat va elatlarining tillari, urf-odatlari va an'analari hurmat qilinishini ta'minlashi, ularning rivojlanishi uchun sharoit yaratilishi e'tirof etiladi. Jumladan, respublikamizda ta'lim 7 til (o'zbek, qoraqalpoq, rus, qozoq, turkman, tojik, qirg'iz tillari)da olib borilmoqda.

Tavsiya

xalqaro biznes-maktablardan biri — “INSEAD” tomonidan 2012-yilda inson kapitalining taraqqiyot darajasi bo'yicha o'tkazilgan tadqiqot natijalariga ko'ra, O'zbekiston 141 mamlakat orasida 53-o'rinni, ta'lim tizimini rivojlantirish darajasi, jumladan, ta'lim maqsadlari uchun ajratiladigan mablag'lar bo'yicha esa dunyoda beshinchi o'rinni egalladi. Bu esa yosh avlodga zamonaviy bilimlar berish, kasb-hunar o'rgatish, iqtidori, qobiliyati va intellektual salohiyatini o'stirish uchun zarur bo'lgan barcha imkoniyatlarni yaratish, ayni paytda ularni umuminsoniy va milliy qadriyatlar, ezgu fazilatlarga sadoqat ruhida tarbiyalash masalasi davlatning doimiy e'tiboriga olinganining belgisidir.

Ta'limni tarbiyadan ajratib bo'lmaydi. Tarbiya uzluksiz jarayon bo'lib, inson dunyoga kelishidan boshlab umrining oxirigacha davom etib boradi. Bu jarayon davomida atrof-muhitdagi voqea-hodisalarning shaxsga salbiy yoki ijobiy ta'sir etishi uchun insoniy fazilatlari qay darajada shakllanganini belgilaydi. Shuning uchun ham huquqiy tarbiya uzluksizlik va uzviylik tamoyili asosida olib borilishi ta'lim muassasalarida an'anaga aylangan.

Har yili 8-dekabr — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilingan kun munosabati bilan xalq ta'limi tizimida “Inson huquqlari — eng oliy qadriyat” shiori ostida

o'ylik o'tkaziladi. Joriy o'quv yilida ham o'ylik davomida umumiy o'rta ta'lim muassasalarida mamlakatimizning Asosiy qonunida belgilab qo'yilgan huquqlarning kafolati, ularni amalga oshirish uchun yaratib berilgan shart-sharoitlar haqida seminarlar, davra suhbatlari, ochiq darslar, bayram tadbirlari tashkil etilmoqda. “Konstitutsiya — baxtimiz poydevori”, “Prezident asarlari bilimdoni”, “Siz qonunni bilasizmi?”, “Bugun o'quvchi — ertaga saylovchi”, “Sening ovozing hal qiluvchi kuchga ega” kabi tadbirlar shular jumlasidandir.

8-dekabr — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni, 10-dekabr — “Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi” hamda O'zbekiston Respublikasi Davlat madhiyasi qabul qilingan kun munosabati bilan senariy ishlab chiqilib, bayram tadbirlari yuksak saviyada tashkil etilishi lozim. Bu ishlarga maktab direktorining ma'naviy-ma'rifiy ishlari bo'yicha o'rinbosari mas'ul hisoblanadi. Umumta'lim muassasalarida tashkil etiladigan bayram tadbirlari mazmunini belgilashda o'quvchilarning yosh xususiyatlarini e'tiborga olish maqsadga muvofiq.

Boshlang'ich sinf o'quvchilari bilan “Mening huquqlarim”, “Konstitutsiya — men” kabi mavzularda davra suhbatlari. “Rasmlarda — huquqlarimiz” mavzusida rasmlar tanlovi, “Kim chaqqon?”, “Epchil bolajon” kabi sport musobaqalarini tashkil qilish mumkin.

5-7-sinf o'quvchilari o'rtasida “Konstitutsiya — baxtimiz poydevori” mavzusida insho va bayonlar tanlovi, “Suratlarda — Vatan manzarasi” rasmlar ko'rgazmasi va shunga o'xshash bellashuvlarni o'tkazish o'quvchilarning huquqiy ongini o'stirishda yaxshi samara beradi.

8-9-sinf o'quvchilari ishtirokida “Konstitutsiya — baxtimiz poydevori”, “Prezident asarlari bilimdoni” kabi tanlov, “Siz qonunni bilasizmi?”, “Konstitutsiya bilag'onlari” mavzusida viktorinalar, “Bizning huquq va burchimiz”, “Qonun ustuvorligi — hayotimiz farovonligi”, “Bugun o'quvchi — ertaga saylovchi” mavzularida davra suhbatlari, “Saylovlar — demokratik huquqiy davlatning muhim belgisi” mavzusida ochiq darslar tashkil etish tavsiya etiladi.

Respublika ta'lim markazi

БИР ҲАФТАДА БЕШ МОДДА

Аркақишлоқлик ўқувчилар Конституцияни шундай ўрганмоқда

Konstitutsiya
saboqlari

Оқдарё туманидаги 4-мактабда Бош қомусимизни ўқувчиларга қулай ва осон ўргатишнинг ўзига хос тажрибаси мавжуд. Тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси Нодир Мирзаев Конституциямизнинг бешта моддаси ёзилган плакатни мактаб фойесига дид билан илбик қўяди. Ҳар ҳафта янгиланадиган моддаларни ўқитувчи дарс жараёнида сўрашга одатланган. Қарабсизки, ўқув йили охиригача болалар анча-мунча моддани ёд олади.

— Дарсларни ҳаётини воқеаларга асосланиб ўтман, — дейди Нодир Мирзаев. — Ўқувчилар иштирокидаги кичик саҳна кўриниши янги мавзу дебocasи бўлади. Шунда болалар мавзунини тез ва осон ўзлаштирилади. Масалан, “Конституциявий ҳуқуқ асослари” фанидан “Инсоннинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлари” мавзусини ўтаётганда табибий хизматдан фойдаланиш ҳақида кичик саҳна кўриниши намойиш этамиз. Бош қомусимизнинг 40-моддасида “Ҳар бир

инсон малакали табибий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга”, дейилган. Ўқувчилардан бири шифокор, бошқаси бемор, кимдир ҳамшира бўлса, яна бирови дорихона хизматчиси ролини ижро этади.

Воқеани томоша қилиш мобайнида инсоннинг ижтимоий ҳуқуқлари нималардан иборатлигини ўқувчилар фаҳмлаб олади. Шундан сўнг ўқитувчи ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларнинг кишилар ҳаётидаги аҳамияти ва давлатнинг бундай ҳуқуқларни таъмин-

лашдаги роли ҳақида тушунча беради. Ўқувчиларнинг барчаси ёддан биладиган, “Бизнинг моддамиз” дея фахрланадиган 41-моддада “Ҳар ким bilim olish ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим olish давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат нazoratидадир”, дейилган. Бу ҳам инсоннинг ижтимоий ҳуқуқларига кирди.

Конституция сабоқларида оддийликдан мураккаблик сари йўл тутишни маъқул кўрган ўқитувчи машулотларидан турли ўйин ва қизиқарли усулларни қўлайди. “Нуқтаи назаринг бўлсин” ўйини, “Ақлди ҳужум”, “Тезкор савол-жа-воб”, “Баҳс-мунозарар”, “Гуруҳларда ишлаш”, “Ўзингизни синанг” каби методлар ёрдамида дарсни ўйин билан бошлаб, мураккаб фикрлар билан яқунлашга одатланган. Бунини 9-синф ўқувчиси Малика Камо-

лованинг қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди:

— “Расмларни таърифлаш” ва “Вазиятга баҳо бериш” ўйинлари бизга жуда ёқди. Устоз кўрсатган расмда тасвирланган воқеани шарҳлаймиз ва бу Конституциянинг нечанчи моддасига тааллуқли эканини аниқлаймиз. Ёки саҳна кўриниши орқали намойиш этилган вазиятдаги муаммага биргаликда ечим топиб, “Сен шу вазиятда нима қилган бўлардинг?” деган саволга ҳар бири-ми ўз фикримизни билдира-миз.

Ўтган йили Конституция-мизнинг 21 йиллигига бағиш-лаб ўтказилган танловда 50 дан ортиқ илмий, методик ва илмий-оммабоп мақолалари билан иштирок этиб, республика босқичида иккинчи ўринни қўлга киритган Нодир Мирзаев билан жамоадошлари ҳам фахрланди. Мактаб

раҳбари Эркиной Қаршиева-нинг таъкидлашича, малака-ли ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчилар билан индивидуал ишлашнинг самарали усулла-ридан кенг фойдаланиб, электрон тест дастурлари асо-сида доимий равишда улар би-лимидagi бўшлиқларни тўлдир-иб келар экан. Мактабда иқтидорли ўқувчилардан ибо-рат “Кичик академия” таш-кил этиш ташаббуси ҳам Но-дир Мирзаевдан чиққан.

Ҳозир мактабда “Конститу-ция ҳафталиги”ни ўтказиш учун тайёргарлик авжида. 5-9-синф ўқувчилари иштирокида турли мусобақа ва тadbirlar ташкил қилиш режалашти-рилмоқда. Хусусан, қизиқарли саҳна кўринишлари, ижодий ишлар ва расмлар танлови ўтказилади.

Райхона ХҲЖАЕВА,
“Ma’rifat” мухбири

2014-yil 26-noyabr, № 95 (8744)

Хабарингиз бор, 2014 йил 14 ноябрда Олий Мажлис Сенати "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида" қарор қабул қилди.

Амнистия грекча "amnestia" сўзидан олинган бўлиб, эсдан чиқариш, кечириб, гуноҳидан ўтиш маъноларини англатади. Амнистия тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Давлатчилигимиз тарихида ҳам амнистияга оид ҳужжатлар қабул қилинганлигини кузатишимиз мумкин. Бунга мисол сифатида буюк саркарда бобокалонимиз Амир Темурнинг "Олтмишдан ошган отадан ош сўрама" ёки "Биринчи марта гуноҳ қилган шахснинг гуноҳидан ўтинглар, иккинчи марта гуноҳ қилган шахснинг ҳам гуноҳидан ўтинглар, учинчи марта гуноҳ қилган шахсини гуноҳига яраша жазоланглар" деган ўғитларини келтириш мумкин.

Амнистиянинг моҳиятида инсонпарварлик, кечиримлилик, бағрикенглик каби тушунчалар ётади. Бунинг биз мустақиллигимизнинг 23 йиллиги мобайнида мамлакатимизда 25 маротаба қабул қилинган амнистияларнинг моҳиятидан ҳам англаб олишимиз мумкин. Уларда асосан аҳолининг эътиборга, ҳимояга ҳужжат қатлами бўлган аёллар, вояга етмаганлар, кекса ёшлилар, биринчи марта жиноят содир этган шахслар жазодан озод қилиниб келинмоқда.

Жаҳон амалиётини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, ҳамма давлатларда ҳам амнистия қабул қилиш қонунчилигида белгиланмаган, айримларида эса белгиланган бўлса-да, ўн-йигирма йилда бир марта қабул қилинади. Бизда эса юқорида келтирилган рақамларнинг ўзиёқ мамлакатимиз Конституциясининг муқаддимасида айтиб ўтилган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаш мақсадини амалга оширишнинг амалий ва ёрқин ифодасидир.

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Жаҳон амалиётида амнистия у ёки бу миллий байрам, мамлакатнинг улкан ютуқларга эришгани муносабати билан эълон қилинади. Бу табиий, албатта. Чунки ҳар бир инсон табиятида ҳам хурсандчилик, хуррамлик вақтида психологик жиҳатдан сохаватпешалик, бағрикенглик, меҳрибончилик каби эзгу хислатлар ҳар доимидан кўра аққолроқ намойён бўлади.

Яна бир нарсани айтиб ўтмаска бўлмайди, баъзи бир одамлар жазо деганда жиноят содир этган шахсини ҳақонққа солиш, ҳўрлашни тушунади. Ваҳоланки, Жиноят кодексининг 42-моддасига асосан, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзларини эслаш ўринли деб ҳисоблаймиз: "Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчилигининг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ. Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади. Шу билан бирга, миллий аънавларимиз руҳида тарбияланган кўпгина фуқароларимизга содир этган жинояти учун сўроқ ёки тергов ишлари бошлангичининг ўзиёқ тегишли ҳулоса чиқариб олиш ва қонунни бошқа бузмаслик учун кўп ҳолларда кифоя бўлади, деб ўйлайман".

Таъкидлаш жоизки, амнистия актини қабул қилиш давлат ҳокимияти олий органларининг қандайдир мажбурияти, бурчи эмас, балки ҳуқуқий ҳисобланади. Амнистия орқали одатда жиноят ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар жазодан тўла ёки қисман озод этилади, тайинланган жазо турини енгилроғи билан алмаштирилади.

зосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилу олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний қўлга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно); қарорнинг 4-бандига кўра эса, таъқиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод этилиши белгилаб қўйилди.

Жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни жазодан озод қилишнинг аҳамиятини чуқур англаб олиш зарур. Юртбошимиз айтганидек, "Ёшлар ўртасидаги жиноятчилик — бу, аввало, биз, катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий хатоларимиз оқибатидир. Бинобарин, шунинг учун ҳам руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланиб қолган жиноят содир этган ёшларимизни жамиятга қайтариш — аввало, биз, она-лар ва давлатнинг зиммасига тушади.

... Шуни барчамиз англаб олишимиз муҳимки, колониялардаги ишлар нечоғли яхши ташкил этилмасин, барибир, бу ер ёшларни тарбиялайдиган жой эмас. Кўп ҳолларда арзимас қилмиши эвазига қаттиқ жазо олган навқирон йигит айнан шу ерда жиноят оламига қиради, ашаддий жиноятчиларга ҳўшилиб, уларнинг турмуш тарзига ҳос кўникмаларни эгаллай бошлайди".

60 ёшдан ошган эркакларни жазодан озод қилишга тўхталадиган бўлсак, кексаларни эъзозлаш, уларга муруват кўрсатиш ва ғамхўрлик қилиш халқимизнинг ўзига ҳос бетақор ва бебаҳо инсоний фазилатларидан ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, "Ёши бир жойга борганида жиноятга қўл урганлар, майли, яхши-си, Оллоҳни ёдга олиб, унга илтижо қилсин, ақин орада Яратганининг ҳузурида ўз қилмишларига яраша ҳисоб бериши муқаррарлиги ҳақида ўйласин. Майли, хоҳ тўғри, хоҳ нотўғри ишлари учун улар вақти-соати келиб, невар-чеварлари, келгуси авлодлари олдида жавоб бериши лозимлиги ҳақида ўйласин".

Қарорда мазкур амнистия ҳужжати асосида озод қилинмайдиган қуйидаги шахсларнинг: а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати — учдан бир қисмига; б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилиши ҳам белгиланган.

Қарорда, шунингдек, мазкур амнистия акти қуйидаги шахсларга татбиқ этилмаслиги ҳам белгилаб қўйилган: а) ушбу қарорнинг амал қилиши — узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибининг мунтазам равишда бузаётган шахсларга; муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тар-

Inson va qonun

тибида озодликдан маҳрум қилиш тартиқасидаги жазога алмаштирилган шахсларга; б) ушбу қарор 1-бандининг амал қилиши — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга; в) ушбу қарор 1-3, 5-бандларининг амал қилиши — Жиноят кодексининг 168-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этган ва ёқазилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга; г) ушбу қарор 1-3, 5, 6-бандларининг амал қилиши — таъқиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга.

Мазкур йилдаги амнистия актининг ўтган йиллардадиган бир қатор фарқли жиҳатлари мавжуд. Улардан бири бу — Жиноят кодексининг 168-моддасида кўрсатилган жиноятни, яъни фирибгарлик жиноятини содир этган ва ёқазилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга амнистия акти татбиқ этилмаслигидир. Бу жудаям тўғри бўлиб, алдаш ёки ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритган шахсларнинг ёқазилган моддий зарарни тўлиқ қопламай жазодан қўтилиб қолишларининг олдини олади.

Яна бир янгилиги бу — муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга ушбу амнистия акти татбиқ этилмаслиги белгиланганлигидир. Албатта, бу табиий ва мантиқий қарор бўлиб, халқимиз томонидан кўрсатилаётган инсонпарварлиқни, тўғри йўлга ўтиш, ахлоқан тузалиш имконини суиистеъмол қилишга йўл бермайди.

Амнистия акти билан бир қаторда "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Сенат қарорини қўллаш тартиби ҳақида"ги низоом ҳам тасдиқланди. Ушбу низоом талабига кўра, мазкур қарор у қўлга киргунга қадар жиноят содир этган шахсларга ва судлар томонидан ҳукм қилинган шахсларга, улар жазони қаерда ўтаётганлигидан қатъи назар, қўлланилиши белгиланган. Низоомда, шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланилиши судлар томонидан ҳал этилиши, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари томонидан амнистия акти қўллашда эътибор берилиши зарур бўлган тартиб-таомиллар, процессуал ва моддий қонун ҳужжатларидаги нормаларни қўллаш билан боғлиқ жараёнлар ҳам белгилаб берилган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари зиммасига жазони ўташ жойларидан озодликка чиқарилганларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувини таъминлаш каби масъулиятли вазифалар юклатилган.

Ҳулоса ўрнида қайд этиш жоизки, ҳар бир амнистия акти асосида минглаб одамлар озодликка чиқади. Бу эса минглаб оила хурсандчилиги дегани, бу кимнингдир отаси, кимнингдир онаси, кимнингдир ўғли, боқувчиси, кимнингдир синглиси дегани. Оила тўлиқ бўлишидан, озодлик шукҳудан ортиқ бaxт борми дунёда. Фақат давлатимизнинг инсонпарвар сиёсатини тўғри англаш, қайта бу йўлга қирмаслик ва бошқаларни ҳам бундан қайтаришга жиддий эътибор қаратишни зинҳор унутмаслик лозим.

Миравзал МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Амалдаги
қонун ҳужжатлари мониторингинг
институтини бўлим бошлиғи,
юридик фанлар номзоди.

HAMMA FANNI QIZIQARLI O'TISH MUMKIN

agar o'qituvchi ijodkor bo'lsa

(zaif eshituvchi 6-sinf o'quvchilari uchun bir soatlik dars ishlanmasi)

Darsning texnologik xaritasi

Mavzu	Har xil ishorali sonlarni qo'shish
Maqsad va vazifalar	Ta'limiy: har xil ishorali sonlarni qo'shish, butun sonlar qatori-(nuri)da yig'indini tasvirlash va natijani topishni o'rgatish. Vazifalar: o'quvchilarga har xil ishorali sonlarni qo'shish nimaligini, butun sonlar qatori qanday tuzilishini o'rgatish va sonning butun sonlar qatoridagi koordinatasi aniqlanishini ko'rsatish. Tarbiyaviy: darsni diqqat bilan tinglashni, bir-birini hurmat qilishni va o'zaro yordam berishni o'rgatish. Vazifalar: o'quvchilarni faollashtirish, izchil mantiqiy fikrlashni shakllantirish, fikrlash doirasini kengaytirish, axloqiy-estetik tarbiya berish. Korreksion: o'quvchilar nutqini rivojlantirish, nutqidagi xato va kamchiliklarini bartaraf etish, eshitish qobiliyatini o'rnatish. Vazifalar: o'quvchilarning talafuzini to'g'rilash, nutqini rivojlantirish, eshitish qobiliyatini rivojlantirish.
O'quv jarayonining mazmuni	O'quvchilarning mavzu mazmun-mohiyatini tushunib yetishlari, har xil ishorali sonlarni qo'shishni, sonlar nurida yig'indini tasvirlash va natijani sonlar nurida topishni o'rganishlari, har xil ishorali sonning sonlar nuridagi koordinatasi qanday aniqlanishi bo'yicha bilim, ko'nikma va malakalarga ega bo'lishlaridan iborat.
O'quv jarayonini amalga oshirish texnologiyasi	Uslub: "Aqliy hujum", "Bahs-munozara" metodlari va "Zinapoya yasang", "Jadvalni to'ldiring" hamda "Qanday so'z hosil bo'ldi?" didaktik o'yinlari. Shakl: guruhlarga, jamoa va yakka tartibda ishlash. Vosita: kartochkalar, ko'rgazmali va tarqatma materiallar, darslik, qo'llanma, mavzu bo'yicha tayyorlangan slayd, kompyuter, proyektor. Dars turi: Yangi bilim beruvchi. Tayanch iboralar: manfiy va musbat sonlar, har xil ishorali sonlar, sonning moduli, har xil ishorali sonlarni qo'shish, butun sonlar qatori, qarama-qarshi sonlar. Nazorat: og'zaki nazorat, savol-javoblar va o'z-o'zini nazorat qilish. Baholash: rag'batlantirish, 5 ballik tizim asosida baholash.
Kutiladigan natijalar	O'qituvchi: mavzuning berilgan vaqt ichida o'zlashtirilishiga erishish. O'quvchilar faolligini oshirish, ularda darsga nisbatan qiziqish uyg'otish. O'quvchi: yangi bilimlarni egallaydi, savol-javoblarda qatnashib, mustaqil fikrlashni, o'z-o'zini nazorat qilishni o'rganadi. Yakka holda va guruh bo'lib ishlaydi. Baholanadi.
Kelgusi rejalr	O'qituvchi: pedagogik mahoratini oshiradi, yangi pedagogik texnologiyalardan darsda foydalanishni va qo'llashni o'rganadi. Mavzuni yoritishda tarixiy ma'lumotlar beradi, hayotiy misollar bilan bog'laydi. O'quvchi: bilim doirasi kengayadi, mustaqil ishlashni o'rganadi. O'z fikrini asoslab bayon etishga intiladi.

Dars jarayoni va bosqichlari

Nomlanishi	Mazmuni	Vaqt
1-bosqich: Tashkiliy qism	Salomlashish. Davomatni aniqlash, sinfni darsga tayyorlash, slayd asosida nutq mashqlari.	5 daqiqa
2-bosqich: Ehtiyojlarni aniqlash.	O'tilgan mavzuni savol-javob yordamida takrorlash.	7 daqiqa
3-bosqich: Yangi mavzu bayoni	"Aqliy hujum", "Bahs-munozara" metodlari.	15 daqiqa
4-bosqich: Mustahkamlash	"Zinapoya yasang", "Jadvalni to'ldiring!" va "Qanday so'z hosil bo'ldi?" didaktik o'yinlari	13 daqiqa
5-bosqich: Baholash. Dars yakuni.	O'quvchilarni baholash. Rag'batlantirish. Xulosa.	3 daqiqa
6-bosqich: Uyga vazifa	Uyga vazifa berish.	2 daqiqa

Yangi mavzuni o'rgatish

I. Tashkiliy qismdan so'ng slayd yordamida nutq mashqi o'tkaziladi, o'quvchilar talaffuzidagi xato va kamchiliklar to'g'rilab beriladi. Bolalar kartochkalar tanlash orqali "Musbat sonlar" va "Manfiy sonlar" guruhlariga bo'linadi. Mavzu bo'yicha tayyorlangan slayd mashg'ulot davomida proyektor yordamida ko'rsatib beriladi.

II. O'tgan mavzu: "Manfiy ishorali sonlarni qo'shish". Uyga vazifa tekshiriladi. "Savol-javob" metodi yordamida o'quvchilar bilimi aniqlanadi. Guruhlarga kartochkalarga yozilgan misollar beriladi va javoblar tekshirilib, faol o'quvchilar rag'batlantiriladi.

O'qituvchi manfiy va musbat sonlar haqida tarixiy ma'lumot keltiradi:

BRAXMAGUPTA VII asrda yashagan hind matematigi bo'lib, musbat va manfiy sonlar ustida ish olib borgan. Olim musbat sonni «mol-mulk», manfiy sonni «qarz» deb atagan. III. O'qituvchi yangi mavzuni bayon qilib, har xil ishorali sonlarni qo'shish qoidasini tushuntiradi, tarixiy iboralar bilan tanishtiradi. **QOIDA:** har xil ishorali va modullari teng bo'lmagan ikkita sonni qo'shish uchun: 1-qadam: katta moduldan kichigini ayirish; 2-qadam: ayirma oldiga katta modulli qo'shiluvchi ishorasini qo'yish kerak. Qoida quyidagi misollar yordamida tushuntiriladi. Misol: Yig'indini toping va uni butun sonlar qatori(nuri)da tasvirlang: (+5) + (-4) = 1. Yechish: 1) 5 > 0, [+5] = 5, [-4] = 4.

1) Katta moduldan kichigini ayiramiz: 5 - 4 = 1.
2) Ayirma oldiga katta modulli qo'shiluvchining musbat (+) ishorasini qo'ysak, natija musbat son chiqadi. Yig'indini butun sonlar qatorida tasvirlaymiz. 4 raqamidan boshlab chap tomonga 4 ta sonni sanaymiz. Shunda sanash 1 soniga kelib to'xtaydi, demak, (+5) + (-4) = (+1).

Javob: 1.
Qarama-qarshi sonlar yig'indisi nolga teng. (+3) + (-3) = 0; (+10) + (-10) = 0
Guruhlarga kartochkalar tarqatiladi. O'quvchilar topshiriqni mustaqil bajarib, o'zaro fikr almashishadi. Mushohada qilib, o'z xulosalarini bayon etadilar.

1-guruhga: Yig'indini toping.

a) (+4) + (-7) = -3
b) (-3) + 8 = 5

2-guruhga: Yig'indini toping.
a) (-4) + 3 = -1
b) (+4) + (-4) = 0

Guruh vakillari har xil ishorali sonlarni qo'shishni koordinata o'qida tasvirlab beradilar. G'olib guruh a'zolari rag'batlantiriladi.

Guruhlarga yangi topshiriq beriladi. O'quvchilar misollarni daftraga yozib hisoblashlari, og'zaki ravishda musbat va manfiy qismga ajratishi kerak. Topshiriqni guruh o'quvchilari doskada "Bahs-munozara" metodi asosida bajaradilar. Qisqa vaqt ichida o'quvchilar katta modulli qo'shiluvchi ishorasini aniqlashi lozim. G'olib guruh a'zolari rag'batlantiriladi.

Topshiriq.
Ushbu misollarni hisoblamasdan, ikki guruhga ajrating:
-4 + 5; 7 + (-8); 4 + (-2); -6 + 3;
8 + (-5); -6 + 10; -10 + 6; 5 + (-8).

XULOSA: Yig'indining ishorasi katta modulli yig'indining ishorasi bilan bir xil bo'ladi.

IV. Tushunchalarni mustahkamlash uchun darslikdagi 933-misol yechiladi:
1) (-8,5) + (+1,5) = - (8,5 - 1,5) = -7;
2) (-7,5) + (+2,5) = - (7,5 - 2,5) = -5;
3) (+4,8) + (-5,2) = 4,8 - 5,2 = -0,4;
4) (+7,3) + (-1,3) = 7,3 - 1,3 = 6.

Yangi mavzuni mustahkamlash uchun ko'rgazmali va harakatlil o'yinlar o'tkaziladi. Natijada idrokda - ko'rish, eshitish, mantiqiy fikrlashda birlik vujudga keladi. Didaktik o'yin hamjihatlik va intizomlilikni tarbiyalaydi. Chunki har bir o'yin g'alaba qozonishga intilish bilan bog'liq bo'lib, uning shart va qoidalariga qat'iy rioya qilish talab etiladi. O'quvchilar g'olib chiqishga intiladi. Didaktik o'yinlar dars

Bir soatlik dars

maqsadi va har bir mashqning vazifalarini yaxshiroq tushunib olishga yordam beradi. Guruhlarga "Zinapoya yasang!" didaktik o'yini. Kichik musobaqa shaklidagi o'yin qoidasiga ko'ra, 1-guruh berilgan misol (15+(-2))ning natijasini chap tomondagi zinapoyalar bo'ylab qo'shib chiqadi. 2-guruh o'ng tomondagi zinalar bo'ylab misollarni yechadi.

1-guruh: 15 + (-2) = 13
2-guruh: 15 + (-2) = 13

O'qituvchi javoblarni kuzatib boradi va g'olib guruh a'zolari rag'batlantiriladi. Darslikdagi 937-misol asosida "Jadvalni to'ldiring" didaktik o'yini o'tkaziladi.

«JADVALNI TO'LDIRING» o'yini (937-misol)

Sonli ifoda	Musbat qo'shiluvchilar yig'indisi	Manfiy qo'shiluvchilar yig'indisi	Sonli ifoda	Sonli ifoda
20+(-13)+(-7)+10	30	-20	10	
25+(-18)+3+(-15)				
(-40)+48+(-15)+12				

O'qituvchi javoblarni kuzatib boradi va g'olib guruh a'zolari rag'batlantiriladi. Guruhlarga kartochkalarda "Qo'shishni bajarung" topshiriq tarqatiladi. O'quvchilar amallarni mustaqil tarzda bajaradi. Javoblarni «Qanday so'z hosil bo'ldi?» jadvalidagi harflar bilan almashtirib, yashirin so'zni topishlari kerak:
1) (-21) + 23; 2) 40 + (-21); 3) (-23) + 19; 4) 4 + (-54); 5) 11+(-16); 6) 16 + (-20);
7) 5 + (-15); 8) (-8)+17; 9) 5+(-8); 10) (-5) + 11; 11) 7 + (-11).

«Qanday so'z hosil bo'ldi?»
Javoblarni quyidagi harflar bilan almashtirib.

-5	19	2	-4	9	-3	-10	6	-50
M	R	B	A	U	P	G	T	X

BRAXMAGUPTA

Natija: hind matematigining ismi - Braxmagupta. G'olib guruh a'zolari rag'batlantiriladi. V. O'quvchilar baholanadi. VI. Darslikdagi 948-misolni yechish va nazariy ma'lumotlarni o'qib-o'rganish uyga vazifa sifatida topshiriladi.


Gulnigor SOLIYEVA, Olmazor tumanidagi zaif eshituvchi bolalar uchun ixtisoslashtirilgan 106-maktab-internat o'qituvchisi

Bozor iqtisodiyoti — mulkchilikning turli shakllari, erkin iqtisodiy faoliyat, halol raqobat, narxlarning liberalligi kabi muhim xususiyatlarni mujassamlashtiradi. Yoshlarga bozor iqtisodiyoti va uning afzalliklarini tushuntirishda innovatsion texnologiyalar, qo'shimcha adabiyotlar, interfaol usullardan foydalanish va ko'rgazmalilikka e'tibor berish

UCHLIKLAR SXEMASI

yoxud iqtisodiy tafakkurni rivojlantirish modeli

samaralidir. Xususan, iqtisodiy bilim asoslari darsida o'quvchilar sobiq tuzum davridagi "markazlashgan iqtisodiyot" va bugungi rivojlangan davlatlar iqtisodiyoti, shu jumladan, milliy iqtisodiyotimizning o'ziga xosliklari bilan atroflicha tanishtiriladi, taqqoslanadi. Yurtimizdagi iqtisodiy islohotlarning maqsadi va vazifalari tahlil qilinadi. Bu esa o'quvchilarning iqtisodiyot olamiga ongli ravishda kirib borishiga keng yo'l ochadi.



Qolgan 200, 300-katta va ular tarkibidagi kichik yo'nalishlar, yo'llar ham shu tariqa davom ettiriladi.

Sxemalashtirib o'qitish uchun quyidagi mavzuni namuna tariqasida keltirmoqchimiz: Markaziy iqtisodiy jarayon:

Fanga oid murakkab mavzularni oson va chuqur tushuntirishda "Uchliklar sxemasi" metodi juda qulay. Bu usul turli iqtisodiy tizimlarda yuzaga keladigan muammolarga yechim topish uchun mamlakatlar qanday yo'l tutganini solishtirish, natijalarini baholashda qo'l keladi. Sxemaning barcha yo'nalishlari(markazlashgan iqtisodiyot, milliy iqtisodiyot va rivojlangan davlatlar iqtisodiyoti)ni

qo'shib hisoblaganda 27 ta yo'l bor. Bu esa deyarli har bir o'quvchiga individual topshiriq berish imkonini yaratadi. Bola mavzu (muammo) bo'yicha ma'lumotlar (sababi, oqibati, oldini olish choralarini), rejali iqtisodiyot, rivojlangan va rivojlanayotgan davlatlar tajribasi va hokazosi izlab topishga harakat qiladi. Savollar o'g'il-qizlarni darsga puxta tayyorlab ravishda kirib borishiga keng yo'l ochadi.

1. Milliy iqtisodiyotimizda soliq tizimi qanday xususiyatlarga ega?
2. Bugungi kunda qanday soliq turlari mavjud?
3. Soliq tizimini joriy etishda qanday muammolar mavjud?

4. Bu muammolarning sabablari, oqibatlari va ularning oldini olish choralari to'g'risida nimalar deya olasiz? Misollar keltiring.

O'quvchilar shu tariqa har bir iqtisodiy jarayonni o'tmish, bugun, kelajak bilan bog'lay olish va

G'oliblar tajribasi

televideniye yangiliklari, internet xabarlarini o'qishga odatlanadi. Sxemadan foydalanishda o'quvchilar xohlagan uchlik qatori bo'yicha guruhlariga bo'linadi. Har bir guruh uch xonali sondan iborat yo'lni jadvaldan tanlaydi. 1-uchlik satrdan tanlangan yo'nalish raqami yo'l tartib raqamining 1-

xona raqamini, 2-uchlik satrdan tanlangan yo'nalish raqami yo'l tartib raqamining 2-xona raqamini, 3-uchlik satrdan tanlangan yo'nalish raqami yo'l tartib raqamining 3-xona raqamini bildiradi. Misol uchun, 123-yo'l, 211-yo'l, 333-yo'l, 122-yo'l va hokazo. Har bir guruh o'z yo'lida uchragan savol va topshiriq, test yoki krossvordlarni bajaradi. Javoblar tahlil qilingach, natijalarga ko'ra guruhlar baholanadi va g'olib e'lon qilinadi.

100-katta yo'nalish

110-kichik yo'nalish

111-yo'l

xususiyatlarini turli iqtisodiy tizimlardan kelib chiqib tahlil qilish, o'z fikrini mustaqil ravishda bildirishga o'rganadi.

Jamshid NARZIYEV, "Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi-2014" respublika ko'rik-tanlovi g'olibi

ҲУСНИХАТНИНГ БЕШ ҚОИДАСИ

Чиройли ёз, ёзсанг хат, Чунки бу ҳам зўр санъат.

Муаллима доим такрорлайдиган сўзларини айтиб, янги дарсни бошлади. Ўқувчиларни "О" ҳарфи билан таништириётганида Акмал секингина кўл кўтариб: "Устоз, бугун ҳам Олмаҳон биз билан бирга ёзадими?" дея савол берди.

— Албатта, Олмаҳон ҳам сизлар билан бирга чиройли ёзишни ўрганаётти-ку...

Муаллима гапини тугатмасидан синфга болажонлар кутган меҳмон кириб келди. Хурсанд бўлиб кетган ўқувчилар жойидан туриб, Олмаҳон билан саломлашишди. 2-"Г" синфда дарс шундай қизиқарли бошланди.

Табиийки, эртақ қаҳрамони иштирок этган дарслар киник ёшдаги ўқувчиларнинг билим олишга қизиқишини оширади. Айик, бўғирсок, олмаҳон, кўеннинг синфга кириб келиши кичкинотлар эътиборини ўзига жалб этади. Чунки улар "А", "В", "О" ва бошқа ҳарфлар номидан гапира олади-да...

— Бошлангич синф ўқувчиларининг диққатини жалб этиш, мавзунини осон тushутиш мақсадида дарсда эртақ қаҳрамонлари — юқори синф ўқувчилари иштирокчи уюштирмаман, — дейди Каттакўрғон тума-

нидаги 28-умумтаълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси Шахноза Исмоилова. — Мисол учун, ҳар бир боланинг ёзуви текширилиб, йўл қўётган хатоларини Олмаҳон орқали айтирираман. Бола сеvimли эртақ қаҳрамонининг гаliga амал қилиб, хатолари устида ишлай бошлайди. Ёки Бўғирсокни олайлик. У нотўғри ёзаётган ўқувчилар дафтарига ҳарф шаклидаги нукталарни қўйиб қаради. Болаларда нукталар устидан рўққани юргизиш асосида секин-аста турғри ва чиройли ёзиш кўникмаси шаклланади.

Дастлаб муаллима ҳар бир ҳарфни доскага, сўнгра ўқувчиларнинг дафтарларига ёзиб кўрсатади. Бўғирсок, Айик, Олмаҳон ўқувчиларга ҳуснихатнинг беш қондасини тushунтириб беради. Балки шу сабабдан ҳам болажонларнинг ёзуви бир хиллиги барчани хайратга солади. Маҳоратли муаллиманинг ўзига хос услуби, янги ҳуснихатнинг беш қондаси билан қизиқдик.

Биринчи қоида — партада тўғри ўтириш ва қоматни тик тутиш. Парта ўқувчи ёшига мос бўлиб, ўтиришга ноқулайлик тудирмаслиги зарур. Синфга ёруғлик чап томондан тушиб туриши ҳам ҳисобга олина-




ди. Дастлабки қўлларданок болага умуртка поғонасини тик тутган ҳолда ўтириш тushунтирилади. Ўқувчига ёзаётганида парта устига эғилиб олиш зарарли эканлиги эслатиб турилади.

Иккинчи қоида — рўққани тўғри ушлаш. Ўқувчиларнинг кўл ва бармоқ мускуллари ривожланиши ҳамда чиройли ёзишда рўққани тўғри ушлаш муҳим аҳамиятга эга. Рўққа ушлаган бош, кўрсаткич ва ўрта бардан рўққани юргизиш асосида секин-аста турғри ва чиройли ёзиш кўникмаси шаклланади.

Биринчи қоида — партада тўғри ўтириш ва қоматни тик тутиш. Парта ўқувчи ёшига мос бўлиб, ўтиришга ноқулайлик тудирмаслиги зарур. Синфга ёруғлик чап томондан тушиб туриши ҳам ҳисобга олина-

ди. Дастлабки қўлларданок болага умуртка поғонасини тик тутган ҳолда ўтириш тushунтирилади. Ўқувчига ёзаётганида парта устига эғилиб олиш зарарли эканлиги эслатиб турилади.

Махсус икки чиқилди дафтар ҳарфларнинг баландлигини бир текисда ёзишга



hususiyatlarini turli iqtisodiy tizimlardan kelib chiqib tahlil qilish, o'z fikrini mustaqil ravishda bildirishga o'rganadi.

Jamshid NARZIYEV, "Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi-2014" respublika ko'rik-tanlovi g'olibi

ёрдам беради. Болажонларга дафтарни парта устига тўғри қўйиш ўргатилади. Ёзаётганда ҳўшиядан четта чиқмаслик, ҳарфлар устидан бўямаслик, дафтарни озода тутиш таъкидланади.

Тўртинчи қоида — ҳарфларни тўғри ёзишни доскада кўрсатиб бериш. Чиройли ёзиш малакасини шакллантиришда кўл мускулларининг ҳаракатини ҳисобга олиш керак. Ҳар бир ҳарфнинг ёзилиши доскада кўрсатиб берилади. Ҳарфнинг элементлари орасидagi масофани чамалашга ўргатилади.

Бешинчи қоида — ҳуснихат малакасини шакллантириш. Бола дарсда ва тўғрақ машғулотида ўқитувчиси билан, уйда эса ота-онаси билан ҳар кўни чиройли ёзишни машқ қилиши керак. Ўқувчилар дафтарни мунтазам текшириб борилади. Ҳарфларни ёзишда қўйналётган болаларга қўшимча машқлар берилади.

Мақтаб директори Азиза Боймуродованинг таъкидлашича, тажрибали ўқитувчи Шахноза Исмоилованинг ўқувчилари синфлараро ўтказиладиган "Кимнинг хати чиройли?" танловида доим биринчи ўринни кўлга киритар экан. Ҳўзир муаллиманинг ўзига хос тажрибасини ҳамкасблари ҳам дарсларда қўлламоқда.

Гўлюз ОРИФЖОНОВА, "Ma'rifat" мухбири

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самарасини юзага чиқариш, яратилаётган шарт-шароитларга муносиб жавоб бериш ва билдирилган катта ишончни оқлаш йўлида барча имкониятларни сафарбар этиб, халқ таълими тизими учун салоҳиятли мутахассислар тайёрлаб келмоқда.

Қорақалпоғистонда тўнгич олий таълим муассасаси бўлган институт чуқур тарихий илдизлари ва аъёналарига эга. Институтимиз узок йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими тизими учун кадрлар тайёрлаб келмоқда. Нафақат Қорақалпоғистонда, балки бутун мамлакатимизга таниқли давлат арбоблари, жумладан, халқ хўжалиги, маданият ва фан арбоблари турли йилларда пединститутда тахсил олган. Улар орасида 6 нафар академик, 5 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони бор эканлигидан институт жамоаси ҳақи равишда фахрланади.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мазкур таълим муассасаси янги қиёфа касб этди, талабалар билими ва ўқиш шароитларини жаҳон андозаларига мослаштириш мақсадида кўплаб эзгу ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда институтда 20 бакалавр таълим йўналиши ва 7 магистратура мутахассислиги бўйича тахсил олаётган талабаларга 26 нафар фан доктори, профессор, 1 академик, 160 нафар фан номзоди, доцентлар сабоқ беришмоқда. Хоразм, Фарғона, Навоий ва Тошкент вилоятлари, шунингдек, қўшни Туркменистондан келиб ўқиётган талабалар ҳам борлиги, албатта, бу ерда фаолият юритаётган фидойи профессор-ўқитувчиларнинг самарали меҳнати ютуғидир.

Ахборот-ресурс марказида барча компьютерлар интернет тармоғига уланган. Талабалар ўзларини қизиқтирган мавзулар бўйича интернет ва «ZiyoNET» тармоғидан керакли маълумотларни олишмоқда. АРМда локал тармоқ орқали интернетдан фойдаланиш яхши йўлга қўйилган. Бу каби қулай ва тўқис шарт-шароит талабаларнинг ўқиб-изланишларида муҳим омил вазифасини ўтаётти.

Истеъдодли ва билимли ёшларни аниқлаш, уларни ижодий қобилиятларига кўра илмий фаолиятга

йўналтириш, илмий-педагогик маҳоратини намоён этишга кўмаклашиш ва рағбатлантириш доимий эътиборимизда. Шу мақсадда ташкил этилган «Иқтидорли талабалар билан ишлаш

адабиёти каби жами 7та йўналиш бўйича 2 ва 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Маякали спортчиларни тайёрлаш институтимизнинг доимий диққат-марказида бўлиб келмоқда. Талабаларнинг таълим ва спортда эришаётган юксак натижаларининг бош омили ҳам шундан. 2013 йилнинг 6—14 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган волейбол бўйича XXI Ўзбекистон чемпионатида институт қизлар терма жамоаси 2-ўринни, 26—28 июль кунла-

ТЎҚИС ШАРТ-ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТЛАР

талабаларнинг ўқиб-изланишларида муҳим омил вазифасини ўтаётти



бўлими» айна пайтда қизгин фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунда институтнинг иқтидорли талабалари, магистрант ва изланувчи-тадқиқотчилари орасидан танлаб олинган юзга яқин ёшлар билан мураккаб дастурлар асосида табиий фанлар, физика, математика, гуманитар фанлар, ахборот тизимлари, хорижий тиллардан машғулотлар ўтказилади.

Иқтидорли талабалар республика олимпиадаларида ҳам муваффақиятли қатнашиб, катта ютуқларни қўлга киритишмоқда. Чунончи, жорий йилнинг май ойида ўтказилган олий ўқув юртлари орасидаги республика фан олимпиадасида талабаларимиз қозоқ тили ва адабиёти фанидан биринчи, шунингдек, қорақалпоқ тили ва адабиёти, жўрофия, ўзбек тили ва

ри Чехияда дзюдо бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Европа кубогига талабамиз Э.Машариповнинг 1-ўринни эгаллаб, 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XXXI ёзги олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритгани ҳаммамиз учун қувончли воқеа бўлди.

Жорий йили Нукус шаҳрида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг финал босқичида институтимизнинг «Турон» жамоаси 1-ўринни эгаллади.

Иқтидорли талабаларни мақсадли тайёрлаш, «Устоз-шогирд» фаолиятини такомиллаштириш самараси ўлароқ, иқтидорли талабалар сони тобора кўпаймоқда ва сифат жиҳатдан юксалмоқда. 2011—2012 ўқув йилида табиатшунослик ва география факультети талабаси Наргиза Йўлдошева Президент стипендиясига сазовор бўлди. 2012—2013 ва 2013—2014 ўқув йиллари мобайнида талабаларимиздан Латофат Тожибоева ва Абдикамал Заримбетовнинг Алишер Навоий номидаги ҳамда Айсулу Дильманова билан Қоблан Узақбаевнинг Мирзо Улуғбек номидаги давлат стипендиялари соҳиб бўлишлари ҳамда қатор талабаларимиз Ажиниёз ва И.Юсупов номидаги махсус

стипендия соҳиб бўлгани институт салоҳияти ва имкониятлари тобора юксалиб бораётганидан дарак беради.

Шу маънода Жуманазар Бозорбоев, Абдусайит Пахратдинов, Бауетдин Алламуратов, Максат Тлеумуратов, Узоқберган Ембергенов, Бозорбой Хошанов, Қутлимурат Қошанов, Кенгесбой Алламбергенов сингари заҳматкаш профессор-ўқитувчиларнинг ибратли фаолиятини айтиб ўтиш ўринлидир.

Институтимиз профессор-ўқитувчиларининг бундай фидокорона меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланмоқда. Фақат кейинги йилларнинг ўзида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва ўзларининг илмий кашфиётлари билан мамлакатимиз интеллектуал салоҳияти ривожига муносиб ҳисса қўшаётган институтимиз ўқитувчилари орасидан А.Нодированинг «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», Ш.Аяповнинг «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» ва А.Пазилонинг «Қорақалпоғистон халқ ўқитувчиси» деган юксак унвонларга сазовор бўлганларини таъкидлаш зарур.

Институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар жамоаси институт тарихи билан боғлиқ яна бир му-

ҳим санани нишонлаётганини айтиб ўтиш ўринлидир. Гап шундаки, истиқлол йилларида институтимизга қорақалпоқ классик адабиётининг ёрқин юлдузи, буюк мутафаккир шоир Ажиниёз Қўсийой ўғлининг номи берилган эди. Шу йили Қорақалпоғистонда шоир таваллудининг 190 йиллиги кенг нишонланмоқда. Бу қутлуғ сана ўқув юртимиз тарихининг унутилмас саҳифаларидан бирига айланажак.

Ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини сингдириш, ўз юрти ва буюк аجدодларнинг бебаҳо мероси билан фахрланиш туйғусини шакллантириш, мустақил фикрли шахс этиб тарбиялаш институтимиз фаолиятининг ўзагини ташкил этади. Зеро, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида таъкидланганидек, «Ҳеч кимдан кам бўлмайдиган келажагимизга онгли равишда қадам қўймоқдамиз».

Бу йўлда бизнинг энг катта таянч ва суянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз — ёш авлодимиздир.

Бу — Ўзбекистонда ташкил этилган, дунё микёсида катта қизиқиш ва ҳавас уйғотаётган мутлақо янги ўқув тизимида юксак таълим-тарбия олаётган, эски асоратлардан, қарашлардан узоқ бўлган, замонавий касб-хунарларни ўзлаштирган, мустақил фикрлайдиган, эртанги кунга интилаётган бизнинг фарзандларимиздир».

Дарҳақиқат, келажагимизнинг муносиб давомчилари бўлишга интилиш бугунги ёшларнинг шарафли бурчидир. Улуғ олимларимиз асос солган илмий тафаккур аъёналарини давом эттириш ва бойитиш учун мамлакатимизда, шу жумладан, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида барча имкониятлар мавжуд.

Каримбой ҚУРАМБОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
Илья ДИЛЬМАНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент



2014-yil 26-noyabr, № 95 (8744)

КУТУБХОНАЧИ — ЭЗГУЛИК ТАРФИБОТЧИСИ

“Кутубхона” сўзи хаёлингизда кечиши билан мухташам бино, сокин ва чарогон хоналар, китоб жавонлари кўз олдингизга келади. Шунда гайриихтиёрий бир куч илк ўқиган асар таассуротлари, ўша сеҳрли дунё сари етаклайди. До-нишмандлардан бири “Китобларга шунчаки қараш ҳам ки-шини ёмонликлардан асрайди” деган экан. Ўша ёмонлик-лардан асрайдиган макон — Республика болалар кутубхо-насини нурхонага менгзасак, албатта, янглишмаймиз.

Мазкур зиё масканида 2014/2015 ўқув йили учун махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Кутубхона бўлимларида малака-ли мутахассислар машғулотлар олиб бормоқда.

— Ассалому алайкум, кутуб-хонага аъзо бўлмоқчи эдик, — дейди ёш болани етаклаган мўйсафид. — Қандай ҳужжатлар керак?..

— Ваалайкум ассалом, келинг, — дейди кутубхона фойсидидаги ходима китобдан бошини кўтариб.

У бобо ва набирани очик юз билан кутиб оларкан, кутубхона қоидаларини тушунтира кетди. Кейин уларни бўлимлар билан таништириб, болакайнинг кўзла-ридаги андак ҳаяжонни кўриб, жилмайиб кўйди.

Ҳа, бугун кутубхоначига кат-та масъулият юкланади.

Замонавий кутубхоначи ҳам адабиётшунос, ҳам педагог, тил-шунос, психолог, сиёсатшунос ва ҳам иқтисодчидир. XX асрнинг бир зиёлиси айтганидек, “Бирор соҳа олимга ўз фанининг устаси бўлиш етарли, аммо кутубхоначи олим, барча замонавий фанларнинг руҳини ўзида мужассамлаштирган ва уларнинг ёзилмаган мукаммал қоидаларини ифодалай оладиган шахс бўлиши лозим. Мисол тари-қасида айтадиган бўлсак, универ-ситет кутубхоначиси умумий ил-мий-тадқиқотлар устида ишлаётган соҳа профессорлари билан тенг да-ражада туриши керак”.

Бугун соат сайин ривожланиб бораётган рақамли технология-лар кутубхона тизимларини ўзгартириб юборди. Демак, за-монавий кутубхоначи нафақат компьютер ва бошқа электрон воситалардан фойдаланишни би-лиши, балки ўзи ҳам бу соҳада

янгликлар ярата олиши ло-зим.

Яна бир масала мавжуд, бу — интернет. Бугун кўплаб ёшлар ўзларига керакли ахборотларни кутубхонага келмасдан ҳам то-пишга эришмоқдалар.

Қандай қилиб кутубхонага замонавий китобхонларни жалб қилиш мумкин? Уларга қай йўсинда кутубхонадан оммавий фойдаланишнинг самарали эканлигини тушунтириш зарур?

Жамоатчилик ва китобхон-ларнинг эътиборини қозонган кутубхоналаргина келгусида ривожланиши мумкин. Ўз нуфу-зига эга бундай кутубхоналар маҳаллий ҳокимликлар ва наш-риётларнинг эътиборини қозо-нади. Бундай кутубхоналарга жуда кўп ота-оналар ўз фарзан-дларини ишонишади.

Болалар кутубхонаси мута-хассиси ниҳоятда ҳушмуомала ва мулоим бўлиши керак. Не-гаки, бола эзгуликни кутубхо-начи қиёфасида кўради. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини эъти-бордан четда қолдирмайди. Агар мутахассис ишига чин кўнги-дан ёндашмаса, кўполлик қилса, ёш китобхоннинг маъ-навий оламга жароҳат еткази-ши мумкин.

Ташқаридаги шиддатли давр суронлари кутубхона эшигидан киришингиз билан тўхтади. Бу ерда болаларни юзидан нур ёйиб турган кутубхоначи кутиб олади. Фақат ҳаёт ташвишлари ва қувончлари билан машғул ота-оналар ўз вақтида фарзанд-ларига кутубхона ва китоб му-толааси нима эканлигини ай-тишни унутишмасе бўлгани...

Даврон РАЖАБ

Қадим-қадимдан аж-додларимиз «Китоб — офтоб, ҳар варағи — мо-хитоб», «Китобдан яхши дўст йўқ» каби нақллар-ни кундалик ҳаётда кўп ишлатишган. Хўш, ки-тобхонлик болада қа-чондан бошлаб шаклла-нади? Унда китобга меҳр-муҳаббатни қан-дай уйғотиш мумкин?



КИЧИК КИТОБХОН

у билан ишлашнинг ўз қоидалари бор

Болалигида эртақ эшитмаган кичкинтой бўлмаса керак. Болалар ота-онаси, бобо-бувиси ва тарбиячи айтиб бер-ган эртақ, ҳикоя ҳамда маталларни тинглаб, улардаги воқеаларни ўзича тасаввур қилиб ул-ғаяди. Мактабга чиққач, илк таассуротлари янада бойиб боради. Чунки у янги билимларни ўзлаш-тиради, турли фанларни ўрганишни бошлайди. Ақли теранлашиб, кўрган ва эшитганларини ҳаёли-да ёрқинроқ тасвирлаш-га уринади. Бошлангич синф — ўқувчининг жи-сманий ва психологик ри-вожланишидаги энг асо-сий давр. Демак, китобга меҳр айтиш шу пайтда уй-ғонади, десак тўғрироқ бўлар экан.

Ўқувчининг илк таниган китоби албатта, «Алиф-бе» бўлади. Уни қўлига олиб, ранг-баранг ва қизиқарли расмларни кўради, ҳарфларни тани-гач, сўзларни қўшиб ўқишни ўрганади. Бу ва-зиятда у ўзини гўё сеҳр-ли оламга тушиб қолган-дек ҳис қилади. Эшитган-ларини кенгрок фараз қилади, теранрок фикр-лай бошлайди. Айнан шу жараёнда унга айтилаёт-ган ҳар бир эртақ, ҳикоя ҳамда оддий матни ҳам таъсирчан ва образли тарзда етказилишига аҳамият қаратиш керак. Албатта, бу биринчи ўринда сўзловчининг ма-ҳоратиға боғлиқ. Унинг товуши аниқ, ёқимли, ра-вон, тушунарли, таъсир-

чан бўлиши зарур. Ҳикоя қилувчининг овози мими-ка ва пантомимик ҳара-катлар билан бойитилган-да воқеанинг ҳаётлиги ортади, болани ўша оламга, ўша муҳитга олиб қиради.

1-синф ўқувчиси асо-сан бўғинлаб ўқишини ҳисобга олсак, уларга кўпроқ овозли эртақ ва ҳикоялар қўйиб эшитти-риш мақсада мувофиқ. Лекин бу усулни барчага бирдек қўллаб бўлмайди. Сабаби, ўқувчилар ораси-да ўқиган ва эшитганини тезда илғаб оладиганла-ри ҳам бор. Билган нар-сасини қайта-қайта эши-тавериш бундай тоифа-даги китобхон-ўқувчини зериктириб қўйиши му-мкин.

Илк маротаба келган ўқувчига кутубхона қо-идалари ўргатилади. Сўнг-ра қизиқишидан келиб чиқиб, ёқтирган мавзуси-даги китобни танлашга ёрдам берамиз. Ёш ки-тобхонларга шундай асар-ларни тавсия қилиш ке-ракки, уни ўқишдан без-дириб қўймайлик. Бунинг учун кутубхоначи турли ёшдаги китобхонлар бил-ан индивидуал суҳбат олиб бориши лозим. Ўқувчи танлаган китоб унинг ёшига мос ёки мос эмаслигини айтиш кутуб-хоначининг асосий вази-фаларидан биридир. Ма-салан, 1—4-синф ўқувчиси кўпроқ эртақ, ҳикоя, кичик ҳажмдаги шеър китоб-лар, 5—7-синфда эса қисса, ҳикоя, шеър асарларни ўқиса, китоб

ҳақидаги тасаввурлари босқичма-босқич ривож-ланиб боради. Бадий мутолаага меҳри янада ортади.

Кутубхоначининг би-лимдон ва ҳозиржавобли-ги бола руҳиятига тез таъсир кўрсатишини унутмаслик керак. Шу боис у сизни ўзига яқин олади, ички кечинмала-рини бемалол баён қила-ди. Боланинг назарида кутубхоначи ҳамма нарса-ни билади. Ҳатто баъзи-лари “Иншо қандай ёзи-лади, режаси қандай ту-зилади? Инглиз тилида мана бу сўз нима дейила-ди? Кимёдан масала ечиб беринг”, деган илтимос-лар билан келади. Улар-нинг кутубхонадан узоқ-лашмаслиги учун имкон қадар ёрдам қўлини қўза-ман. Бундай саволларига қайси китоблардан жа-воб топиш мумкинлигини ўргатаман.

Мактабда кичик китоб-хонлар сафини кенгайти-риш учун турли кўнгило-чар тадбирлар, давра суҳ-батлари, савол-жавоб ке-чаларини тез-тез уюшти-раамиз. Айниқса, шеър айтишув уларга кўпроқ ёқади. Ўқувчи ёд олиш мобайнида ўзича шеър-лар ҳам тўқийди.

Ўқувчилар эришётган ютуқлар замирида биз кутубхоначиларнинг ҳам ҳиссамиз борлигини кўриш кишига завқ ба-ғишлайди.

Улуғой АБДУКАРИМОВА,
Бойсун туманидаги
35-мактаб
кутубхоначиси

ЗАМОНАВИЙ МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

Жиззах тиббиёт коллежи қошидаги ахборот-ресурс маркази-да ахборот-ресурсларни қабул қилиш ва фондларни шаклланти-риш, босма адабиётлар ва электрон-ахборот ресурслари, электрон ахборот-ресурс технологиялари бўлимлари фаолияти самарали йўлга қўйилган.

35 ярим мингдан зиёд китоб фондига эга марказда ёшлар сифатли хизмат кўрсатишнинг замонавий тизими ҳамда электрон ахборот-ре-сурс базаси ва интернет тармоғига уланган компьютерлардан кенг фойдаланиш имкониятига эга. Китобларни сақлаш хонаси, хабар-ян-гиликлар бурчаги ва ўқув залларида китобхонлар учун барча қўлайлик-лар яратилган. Шунингдек, аҳоли ва турли касб ходимлари учун ало-ҳида китоблар бўлими ташкил этилган.

Суратда: Жиззах тиббиёт коллежи қошидаги ахборот-ресурс марказида.

Ўза фотомухбири
Шерзод НАЗАРОВ олган сурат.



Ўтган куни 12 яшар жиянимга иш буюрсам, "ҳозир, компьютерда ўйинимни тугатиб олай, кейин айтган юмушингизни, албатта, бажараман", деди. Шундан сўз уни кузата бошладим. У роппа-роса уч соат компьютер ёнидан жилмади. Ота-онасининг ёрдами билангина уни монитордан узоқлаштиришга эришдим. Жияним ишни бажараяптию, хаёли ҳали ҳам ўша ўйинда. Унга қараб туриб бундай ўйинларнинг зарарли ёки фойдали томонларини ўйладим.



Компьютер яратилиши билан ўйинларнинг янги-янги турлари, хилма-хил жанрдагилари вужудга келди. Кейинчалик ахборот технологияларининг тобора ривожланиб бориши компьютер ўйинларининг ҳам таъкиллашиши ва оммалашувига сабаб бўлди.

Компьютер ўйинлари — инсонда мусобақалашуш, ўзини синая, қобилиятини кўрсатишга уриниш каби сифатларни

жанр этакчи вазифасини бажарётганига қараб уларни бир-биридан фарқлаш ва турларга ажратиш мумкин.

Ривожлантирувчи ўйинлар. Улар хотирани машқ қилдириш, тасаввурни шакллантириш ва фикрлашни ривожлантиришга мўлжалланган. Бу ўйинларда мозаикалар (йиғилувчи тасвирлар) ҳам, бошқотирмалар ҳам, лабиринтлар ҳам мавжуд. Улар болани фикр

диган ўйинлар сифатида спорт мавзусидаги компьютер ўйинларини санаб ўтиш мумкин. Улардан энг машҳурлари футбол бўлими "Fifa" ва баскетбол бўлими "NBA Live". Бу ўйинлар руҳиятга унчалик салбий таъсир қилмайди, лекин бола маънавияти шаклланишига ҳам унчалик фойдаси тегмайди.

Жангари ўйинлар. Бу каби ўйинларнинг бош мақсади — «рақиб» болани йўқ қилмасдан

нинг бузилишига кўп ҳолларда компьютер ўйинлари сабаб бўлаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Шунинг учун ота-оналар фарзанди қанча ва қанча вақт компьютерда шугулланишини доимий назорат қилиб боришлари лозим. Шунингдек, ота-она бола ўйин ўйнаётганда компьютер қаршида ўзини қандай тутаётгани, характери ва руҳиятига ўйинларнинг қандай таъсир кўрсатаётганига алоҳида эътибор қаратишлари зарур. Компьютердан самарали фойдаланишда унинг ўрнатилган жойи ҳам муҳим ҳисобланади. Монитор билан ёруғлик нисбатига тўғри танланган бўлиши, боланинг ўриндиғи ўзига мос бўлиши эса қаддини ростлаб ўтиришга ёрдам беради. Шунингдек, экран бола нигоҳидан 70 сантиметр узоқликда туриши, компьютер олдида каткуст бўлиши, иложи бўлса, хонага аквариум қўйилиши, нам латта билан чанглари артиб туриш соғлиқ учун жуда фойдали.

Унутмаслик лозимки, бола

онатларида қатнашиш имкониятига эга бўлмоқда. Эътиборлиси, ёшларимиз е-спорт бўйича ҳам сезиларли ютуқларга эришди. Жумладан, 2007 йили Макаода ҳамда 2009 йили Вьетнамда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида қатнашган ёшларимиз кумуш медални қўлга киритган бўлса, 2013 йилнинг июль ойида Осиё Олимпия Кенгаши хомийлигида Жанубий Кореяда ўтказилган "AIMAG-2013" Осиё ўйинларида е-спорт бўйича Ўзбекистон терма жамоаси олтин ва кумуш медалларни қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Хитойнинг Қуньшан шаҳрида ўтказилган "WCG-2013" жаҳон чемпионатининг финалида виртуал футбол бўйича "FIFA-14" беллашувида ўзбекистонлик Абдуссапи Қаюмов бешинчи ўрин соҳиби бўлди. Қувонарли томони шундаки, бизнинг виртуал футболчиларимиз жаҳон май-

КОМПЬЮТЕР ЎЙИНЛАРИ

бола руҳиятига салбий таъсир кўрсатадими ёки ижобий?



кўзгади. Улар бола руҳиятига турлича таъсир кўрсатади. Аксарият ҳолларда ўйинлар таъсирида бола инжик, хаёлпараст, таъсирчан, баджаҳл бўлиб қолиши эҳтимоли катта. Айниқса, ўғил болаларнинг жангари ўйинларни ҳаддан зиёд ўйнаши уларда қатор салбий ҳусусиятларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бундай ўйинларга мўлкасидан кетиши натижасида бола компьютер қаршида ўзини мустақил, реал ҳаётдагидан кўра эркинроқ ва кучлироқ ҳис этади, шунингдек, ўзи сезмаган ҳолда баджаҳл, тажовузкор, уришқок, зўравон, бетоқат, шафқатсиз бўлиб қолиши мумкин. Чунки бундай болалар ўзини мағлуб эмас, доимо ғолиб сифатида ҳис этишга, барча орзуларни ўзи истасандек рўйбга қилишига кўниқиб қолади. Масалан, реал ҳаётда аксарият ўйинлар шериклар иштирокисиз қизиқарли кечмайди: футбол ёки оддий қувлашмачок ўйинини яққа ҳолда ўйнаб бўлмайди. Компьютер эса турли-туман ўйинларни ёлғиз ўйнаш имконини беради, қолаверса, шерикли вазифасини ҳам бажариб, боланинг яқкаланиб қолишига сабаб бўлади...

Ўйин турлари ва таснифлари

Айтиш жоизки, барча компьютер ўйинлари ҳам ота-оналар ўйлаганчалик фақат салбий таъсир кўрсатмайди. Салбий ёки ижобий таъсир компьютер ўйинларининг жанр ва турлари, унга сарфланган вақт каби омилларга боғлиқ. Айрим ўйинларда бир неча жанрларнинг бир-бирига қоришиб кетганини ҳам кузатиш мумкин. Албатта, ўйинда қайси

юритиш, таҳлил қилиш ва аниқ ҳаракатларни эслаб қолишга ундайди.

Мантикий ўйинлар. Бу турга мансуб ўйинларни кўнгилочар деб бўлмайди. Сабаби, бундай ўйинлар диққатни жамлаш ва юқори ақлий ҳаракатни талаб этади. Шу боис бу ўйинларга бола эътиборини жалб этиш бироз мушкул. Аммо катталар бира ўйнаб, турли кичик мусобақалар уюштириб бола диққатини ошириши, мантикий фикрлашни ривожлантириш орқали ўйинларга қизиқтириш мумкин. Виртуал шахмат ўйинини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Таълимий ўйинлар. Бу тоифа ўйинлар маълум билимларни қизиқарли тарзда оширишга йўналтирилади. Улар шакллар ва ранглар, ҳарфлар ва рақамларни эслаб қолишга ёрдам беради. Ўқиш ва санашни ўрганишда ҳам фойдаланилади. Таълимий ўйинлар асосан 3—8 ёшдаги болалар учун жуда керакли бўлиб, уларнинг аниқ ва гуманитар фанларга қизиқариши оширишга хизмат қилади. Таълимий ўйинларга **чет тилларни ўргатувчи ўйинларни** ҳам киритиш мумкин. Уларнинг турли даражадагилари мавжуд: бошловчи (анимация) ва оддий (сўзлар)дан тортиб, то юқориқарор даражага (анимация) расмлар, қизиқарли викториналар). Бу ўйинларни ўйнаш аввалоги болаларга ёқмаслиги мумкин. Чунки ўйинларда мияни ишга солиш, ёд олиш, такрорлаш, оғзаки ва ёзма тарзда ифода-лаш каби машқлар мавжуд. Аммо вақт ўтиши билан ўйинлар болаларни қизиқтириб қўяди. Аксарият таълимий ўйинлар қизиқарли услубда, эртақ ёки китоб қаҳрамонларидан фойдаланган ҳолда ишланган.

Ролли-саргузашт ўйинлар доимо янги-янги топшириқлар билан болани мураккаб вазифаларга ечимлар топишга, ўйлашга ундайди. Боланинг қандай қарорга келиши кейинги воқеа-ҳодисалар ривожини белгилаб беради.

Спорт ўйинлари. Бола руҳиятига қамроқ зарар етказ-

бурун уни бартараф этишдан иборат. Турли босқичларда вазият ва рақиблар ўзгариб, ўйин тобора қизгин тус олиб бораверади. Шу сабаб улардан бош кўтариш анча қийин кечади. Бола навбатдаги босқичларга ўтар экан, иложи борича кўпроқ ўлдириш ва портлатишга ҳаракат қилади. Ўйин давомида зўравонлиқни, қолаверса, қон тўкилишини кўради ва бу вақт ичида ижобий ҳодисалар ҳақида мутлақо бош қотирмайди. Болалар гуруҳ-гуруҳ бўлиб отишмада иштирок этади, баъзи ҳолларда ўйиннинг қизгин тус олиши моҳирга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Стратегик ўйинлар. Бунда ғалабанинг қалити — аниқ режа асосида ишлашда. Мавзу ҳар хил бўлиши мумкин, лекин умумий мақсад — ўйланган режани самарали йўллар билан амалга ошириш. Айрим стратегик ўйинлар болаларни ўйлашга, муҳофада юритиш ҳамда тартиб-интизом билан режа тузишга ўргатиши мумкин. Боланинг олдида тугмани тез босиш ҳисобига эмас, балки ўйланган маълум стратегия, ҳаракат асосида барқарор фикрга келиш вазифаси туради. Стратегик ўйинлар ичида "Civilization", "Sim City" кабилари кўпроқ болалар диққатини ўзига жалб этади. Шунингдек, тез ҳаракат қилиш талаб этилувчи пойғалар (аркада), бирор мураккаб техник қурилмани (автомобиль, самолёт ва ҳокзо) бошқариш каби симуляторларни ҳам санаб ўтиш мумкин.

Меъёр ва эътибор муҳим

— 6 ёшгача бўлган болалар, иложи борича, компьютердан узоқ ўтиришлари, ҳеч бўлмаганда қисқа муддат фойдаланишлари керак. Боиси, компьютерга кўп қараб ўтириш ёш боланинг кўзига, қолаверса жисмоний ва психологик ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Узлуksиз равишда ишлаш руҳан толиқшга олиб келади, соғлиққа зарар. Эндигина ўсиб келаётган боланинг умуртқа поғонаси қийшайиши, кўз хасталигига дучор бўлиши, қади-қомати-



учун компьютер ўйинларининг зарари ёки фойдаси кўпроқ ота-оналарга боғлиқ. 7—8 ёшдан бошлаб болалар компьютерга онгли муносабатда бўлади. Бу пайтда бола қатъий назорат остида бўлса, компьютер ўйинлари унинг диққатини, мантикий ва абстракт тафаккурини ривожлантиради, қолаверса, мустақил қарор қабул қилиши, бир вазиятдан бошқасига ўтишга ёрдам беради, — дейди психология фанлари номзоди, доцент Феруза Акрамова.

Фойдали компьютер ўйинларига эътибор кучаймоқда

Ёшлар онгига ижобий таъсир кўрсатадиган, уларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириб, иқтидорини ривожлантирадиган компьютер ўйинларини яратиш, уларга қизиқувчиларни кенг жалб этиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг миллий менталитетимиз, анъана ва қадриятларимизга тўла мос келувчи ўзбекистон компьютер ўйинларини ишлаб чиқиш, айниқса, таълимий ўйинларни ўқувчи-ёшлар ўртасида кенг оммалаштириш борасида олиб борилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Компьютер ўйинлари бўйича расмий мақомга эга чемпионатларнинг ташкил этилаётгани эса ёшларнинг бу борадаги иқтидори ва қобилиятини намоён этишга замин яратмоқда. Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан ўтказиладиган е-спорт бўйича чемпионатда, мана 10 йилдирки, ана шундай ёш иқтидор эгалари сараланиб, биринчилиқни қўлга киритган ғолиблар АКШ, Сингапур, Италия, Германия, Хитой каби давлатларда бўлиб ўтаётган "World Cyber Games" жаҳон чемпи-

донларидаги катта муваффақиятлари боис 2014 йилги футбол симулятори "FIFA-15"нинг е-спорт бўйича "Electronic Sports World Cup (ESW2014)" жаҳон кубогининг финал босқичига таклиф этилган.

Ота-оналарга тавсиялар

Фарзандингизга фақат ёшига мос ўйинларни tavsiya қилинг, ҳар бир ўйинда белгиланган ёшга оид чекловлар мавжуд.

Қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратинг:

— сотиб олинган янгиликни (ўйинни) болага беришдан олдин ўзингиз танишиб чиқинг, фойдали жиҳатларига баҳо беринг;

— ўйин жараёнида қатнашинг (назорат ва бола билан мулоқот учун);

— мураккаб вазифаларни бажаришда болага ёрдам беринг;

— тартибга риоя қилинг.


Болани бир кунда 30 дақиқадан кўп компьютерда ўйин ўйнамасликка кўниқтиринг. Қолган вақтларда эса унинг ўйинга бўлган эътиҳонини ҳаркати лантирувчи, фикрлашга қорловчи табиий ўйинлар орқали қондиринг. Китоб ўқиш, велосипед ҳайдаш, сузиш, стол тенниси, бадминтон, шахмат-шашка машғулотларига жалб этинг.

Хулоса қилиб шунини айтиш керакики, ҳар нарсанинг яхши ва ёмон томон бўлганидек, компьютер ўйинларининг ҳам ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Фақат унинг ана шу ижобий томонларини олиб, ундан оқилона фойдаланилса, барчаси кўнглидагидек бўлади. Боланинг компьютер ўйинларини ўйнашини таъкиллаб қўйиш эмас, балки ундан тўғри фойдаланиш ва ўзини назорат қилишни ўргатиш мақсадга мувофиқ.

2014-yil 26-noyabr, № 95 (8744)

ЯНГИ НАНОМАТЕРИАЛ ЁРУГЛИК НУРИНИ ИССИҚЛИККА АЙЛАНТИРАДИ

Сан-Диегодаги Калифорния университети муҳандислари 90 фоиз қуёш нурини иссиқликка айлантириб берувчи замонавий инновацион маҳсулот яратдилар. Мазкур материал майда наноэлектронлардан ташкил топган бўлиб, ўзининг мукаммал тузилиши тўғрисида 700 даража иссиқ ва ундан юқори ҳароратни ҳаттоки очик ҳавода ҳам узоқ йиллар мобайнида сақлаб бера олади. Шунингдек, у нам ҳавога ҳам жуда чидамли.



Маймунки, коллекторларда ёруғлик нури бир жойга жамлаш ва электр энергиясини олишда қўзғалардан фойдаланилади. Бунда жамланган ёруғлик нури сувни исити, буғлантиради. Бироқ ҳозирги кунда қўлланилаётган Қуёш коллекторлари юқори даражадаги иссиқлик энергиясини таъсирда айрим хусусиятларини йўқотиб, узоқ муддат хизмат қилишга ярамай қолади.

Янги маҳсулот асосини кремний ташкил этиб, наноқоплама эса бор молекулаларидан ишлаб чиқилган. 10 нанометрдан 10 микрометргача ҳажмли зарралардан ташкил топган қоплама юқори ҳароратда ҳам Қуёш нурининг самарали ютилишини таъминлайди.

МАХСУС ТЕСТ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ


Даниялик олимлар инфекциянинг бактериал ёки вирус хусусиятини қай ҳолатда эканини аниқлаштирувчи махсус тест ишлаб чиқишди. Ушбу усул билан тиббиёт ходимлари томонидан кўп ҳолларда нотўғри тарзда тавсия қилаётган антибиотикларни қабул қилишга эҳтиёж қолмайди. Бу ҳақида «The Guardian» сайти батафсил маълумот берди.

Тест ўзига хос С-реактив оқсиллар билан реакцияга киришувчи биомаркерлардан ташкил топган. Мазкур модданинг мавжудлиги организмда яллиғланиш жараёнидан дарак беради. Олимларнинг сўзларига қараганда, инфекциянинг бактериал ва вирус хусусиятини уч дақиқада аниқлаштириб, зарур ҳулосага келиш учун бир томчи қон етарли экан.

Дори-дармон воситаларини натижасини ўйлабдан қабул қилишнинг инсон саломатлигига келажақда салбий таъсири мавжуд. Антибиотикларни қабул қилиш сўнгги пайларда ўзини оқлаган бўлишига қарамай, терапевтлар инфекциянинг вирус хусусиятини дарҳол аниқлаштиришнинг имконияти йўқлиги учун жуда



эҳтиёткор бўлишни таъкидлашмоқда. Мутахассислар ушбу махсус тестни синовдан ўтказиш учун 3284 киши, шу жумладан, 130 нафар болани кўнгилли сифатида тажрибаларга жалб қилишди. Олимлар мазкур усулдан инфекциявий ташхисларни амалга оширишда қўшимча восита сифатида фойдаланишни тавсия этишмоқда.



ИНТЕРНЕТДАН КИМ, ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНАДИ?

Даниялик олимлар интернетда ижтимоий тенгсизлик сезиларли даражада ортганини таъкидлашмоқда. Тадқиқотларга кўра, зиёли ва ишбилармон кишилар «ўргимчак тўри»дан кўпроқ билимга эга бўлиш ва бойиш учун мақсадли, бошқалар эса мулоқот, кўнгилхушлик учун мақсадсиз фойдаланишади. Бу эса интернет фойдаланувчилари ўртасида ўзига хос қатлам юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Илгари «рақамли тенгсизлик» аҳолининг замонавий ахборот хизматларидан тенг миқдорда фойдалана олмаслиги билан изоҳланар эди. Сабаби, аввалроқ жамиятнинг бир қисмигина интернетдан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдалана олган. Замонавий ахборот технологияларининг жадал тараққий этаётгани, фойдаланиш нархларининг арзонлашгани ушбу тенгсизликка барҳам бермоқда.

Тадқиқотчилар интернет пайдо бўлган даврда дастлаб фойдали маълумотлар билан таъминлаш, тезкор алоқага киришиш имкониятини ҳисобга олиб, ижтимоий тенгсизликка барҳам беради, деган фикрни илгари суришган эди. Бироқ даниялик олимлар томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, бу фикрларнинг акси бўлиб чиқмоқда. Бунинг учун турли ижтимоий гуруҳлар орасида тадқиқотлар ўтказилиб, интернетдан қунига неча соат фойдаланиши аниқланди. Етти тоифага ажратилган кўнгилхушликнинг интернетдан маълумотларни кидириш, янгиликларни ўқиш, ўз-ўзини ривожлантириш, онлайн-харид, мулоқот, бўш вақтни мазмунли ўтказиш ҳамда компьютер ўйинлари ҳақидаги фикрлари ўрганилди. Аниқланишича, олий маълумотли кишилар интернетдан асосан маълум бир мақсад, шунингдек, ижтимоий даражасини кўтариш учун фойдаланар экан. Тегишли маълумотга эга бўлмаганлар ва ёшларнинг маълум қисми глобал тармоқдан ҳеч қандай мақсадсиз, шунчаки вақт ўтказиш учун фойдаланишади. Улар ўз вақтини кўпроқ мулоқот, тармоқ тижорати, компьютер ўйинлари учун сарфлашни маълум қилган.

Х.УСМОНОВА тайёрлади.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТДА ТЎҒРИ ҲАРАКАТЛАНИШ МУҲИМ

Инсон ҳаёти ҳар нарсадан азиз. Аммо унга хавф соладиган омиллар кўп. Табиий офатлар хатарларнинг энг хавфлиси. Табиий офатлар ичида салбий оқибатларга олиб келиши жиҳатидан қўлланмис бу зилзила ҳисобланади. Бугунги кунда илм-фан, техника ва технологияларнинг ривожланиши фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва салбий оқибатларини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Табиий офат ўчоғидан одамларни қутқариш, зарур ёрдам кўрсатиш, қидирув-қутқарув ишларини ўз вақтида олиб бориш қўрбонлар сонининг камайишига, жабрланганлар ҳаётини сақлаб қолишга, моддий зарар миқдорини камайтиришга имкон беради. Фавқулодда вазият содир бўлганда аҳолини ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёрлаш бу каби ишларнинг энг муҳимидир.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институтида «Зилзила оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш» мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий семинарида ана шулар ҳақида сўз борди.

Фуқаро муҳофазаси институти бошлиғи, подполковник Собир Халилов ва бошқалар бугун юртимизда табиий офатларнинг олдини олиш, салбий оқибатларини камайтириш, аҳолини тезкор хабардор қилиш каби кенг чора-тадбирлар олиб борилаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Семинарда асосий эътибор зилзила пайтида аҳолини тўғри ҳаракатланишга тайёрлашга қаратилди. Ҳозирги кунда зил-

зилага оид деярли ҳамма маълумотлар мавжуд. Унинг вужудга келиш сабаблари, рўй бериш хавфи кучли бўлган ҳудудлар, ҳаттоки юз беришидан аввал хабар берувчи даракчилар ҳам. Барчаси маълум бўлса-ю, лекин аҳолининг тайёргарлик даражаси етарли бўлмаса, қўзланган натижага эришиш мушкул.

Шу мақсадда семинарда Марказий Осиёда ягона ҳисобланган зилзилани симуляция қилиш тренажерида семинар қатнашчилари иштирокида амалий машғулот ўтказилди.

Симуляция тренажерида турли даражадаги зилзилалар сунъий тарзда ҳосил қилинади, — дейди амалий машғулот иштирокчиси, Фуқаро муҳофазаси институти тингловчиси Саид-обид Исмоилов. — Шу орқали инсонларга зилзила юз берганда қандай ҳаракатланиш лозимлиги юзасидан билим ва кўникмалар олиб олиниши мумкин. Мазкур амалий машғулотларда киши, энг аввало, саросимага тушмасдан ўзини тутишни ўрганиши, қандай ҳаракат қилса ўзи ва атрофдагиларнинг ҳаётини муҳофазда қилиши мумкинлиги ҳақида амалий билимларга эга бўлади. Мана, ҳозир ушбу ўсқуна орқали икки марта, 7 ва 7,5 балли зилзила сунъий тарзда ҳосил қилинди ва унда иштирок этганлар ўзларини ҳудди табиий офат содир бўлган вазиятга тушиб қолгандек ҳис қилдилар. Бу каби амалий машғулотлар аҳолининг табиий офатлар вақтида тўғри ва тезкор ҳаракат қилиш ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиради.

Дилмурод ДЎСТБЕКОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Рустамжон ўртоқлари билан қорбўрон ўйнагани чиқиб кетди. Онаси ўғлим кўчадан совқотиб келади, уй озорқ исиб турсин, деб электр печни ёқиб қўйди. Болалар билан рўса терлаб-пишиб ўйнаган Рустамжон чарчаб-хориб, уйга қайтиб кирди. Онаси озорқ исиниб олсин, кейин овқатланади, деб

бирдан аланга олиб, олов бир зумда бошқа буюмларга ҳам ўтди. Қарабсизки, тилсиз ёв бирин-кетин кийим-кечагу кўрпа-тушакларни қулга айлан-тирди. Яхшиям, она ўз вақтида хабар топиб қолди. Додвой қилганча, қўни-қўшниларни ёрдамга қақирди. Ўғлини опичлаганча ташқарига қараб

олдини олиш мақсадида юртимизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Ойлик давомида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари тарбиёт-ташвиқот ишлари олиб бориб, аҳолини хушёрликка қақирмоқда, ёнғин содир бўлган ҳолларда қандай ҳаракат қилиш тушунтирилмоқда.

ҚИШНИ ТАЛАФОТЛАРСИЗ ЎТКАЗАЙЛИК!

уни печининг ёнига ўтказди. Болақай роса чарчаган эканми, даров уйкуга кетди. Онаси устини ёпиб, ўз юмушлари билан андармон бўлди. Рустамжон уйқусирабми ё қизиб кетгани учунми устидаги одеялни оёғи билан суриб, ухлашда давом этди. Одеял печга тегиб, аввал тутай бошлади, кейин

югурди. Одамлар кўплашиб ёнғинни ўчиришди. Аммо унинг келтирган зарари Рустамжон ва онасини хушёр тортирди.

Юртимизда эшик қоқиб турган кишининг қорли-қировли кунларида йўл қўйилган озгина эътиборсизлик ҳам юқоридаги каби офатларга сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳодисаларнинг

ёнғинни содир этувчи ҳар қандай ҳолатга бефарқ қарамасдан, доимо огоҳ ва хушёр бўлсак, оддий хавфсизлик қоидаларига риоя қилсак қишдан талафотларсиз чиқиб оламиз.

З.ҒАФУРОВ,
28-ХЕХХ кичик инспектори,
сержант

реклама • Эълон • реклама • Эълон • реклама • Эълон • реклама

Абдурахимов Мингжигит Каттабековичнинг 06.01.08—«Ўсимликшунослик» ихтисослиги бўйича «Ўзбекистоннинг тоғолди ва шўрланган тупроқлари шароитида картошка етиштириш технологияси ва уруғчилигини такомиллаштириш» (қишлоқ хўжалиги фанлари) мавзусидаги докторлик диссертацияси ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Тупроқшунослик ва агрохимия илмий-тадқиқот институти ва Андигон қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 16.07.2013.Қх/В.24.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2014 йил 23 декабрь, соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ, ПСУЕАЙТИ. Тел.: (+99895) 142-22-36; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: g.selek@qxv.uz; paxtauz@mail.ru.

Республика Таълим маркази раҳбарияти ва жамоаси собиқ бош ҳисобчи

Хосият ХОДЖАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси фалсафа факультетининг «Этика ва эстетика» кафедрасининг доценти Дилбар Қодировва онаси

ТУҒРИЛ аянинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси биология-тупроқшунослик факультетининг «Физиология ва биофизика» кафедраси мудири, доцент Гулбаҳор Раджабова онаси

МУБОРАК аянинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Уйдагиларнинг саъй-ҳаракатлари билан беш ёшимда саводим чиқди. Мактабга борганимда муаллимлар қобилиятимни кўриб ҳайрон қолишди. Ҳамма порлоқ келажатимдан башорат қила бошлади.

Бешинчидалигимда, ким бўлсам экан, деган савол миямни ачитди.

Шоирлиқни ҳавас қилдим. Дарахт тўғрисида ёзган илк машқим, назаримда, бинойидек чиқди. Мевасини еб дарахтга раҳмат айтилди, бироқ жафокаш илдини эслашмади ҳам, чунки у ер тагида хор бўлиб кўзга кўринмай ётганда-да, деган гап бор эди. Қофияси, бўғини, вазни, ҳуллас, ҳаммаси жой-жойида.

Энам шеъримни кўриб, отамга айтибди. Маҳалладошларимиз уйимизга меҳмон бўлиб келган кунни отам:

— Бизди ул каттарса шоир бўлади, куну тун шеър ёзиб ётибди, — деган муждани ҳаммага етказди.

— Яхши, — деди кимдир.

— Тузуқ.

Кўзлогимиздан шоир чиқар экан-да.

Мен уялганимдан шолғомдек кизардим. Бошимни куйи эгиб, муносабатларини англаш мақсадида ўтирганларга ўғринча разм солдим. Барчасидан хайрихоҳлик кутган эдим, аммо... Бирови ерга қараб истеҳзоли кулиб турибди, бирови лабини буриб тескари қаради, бирови шиппа қараб васса санаётгандай... Бу ҳолдан анча сергак тортидим.

Шоир бўлиш учун кўп ўқиш лозимлигини билардим. Кутубхонадан шеърлий китобларни олиб, бирма-бир ўқий бошладим. Ўқиганларим бадиий бўш асарлармикан, ҳайтовур, мен булардан яхшироқ ёзишим мумкинлигига кўзим етиб, ўзимни бардам сезардим. Кўп ўтмай...

Шоир Қодир Шукурнинг шеърлий тўплами кўлимга тушди-ю, ҳақиқий назм қаршисида тиз чўкиб, бошимни эгдим. Ўшанда саккизинчида ўқирдим. Ўзим сезмаган ҳолда шу қалин китобдаги барча шеърларни ёл олиб қўйибман. Ҳатто қайси шеър қайси саҳифада, қайси мисра нечанчи қаторда эканини бехато айта олардим. Худди шу нарсалар меннинг инқирозимга сабабчи бўлди, чоғи.

Шеър ёзай деб кўлимга қалам олсам, бас, Қодир Шукур айтган гаплар, жумлалар, гоёлар, фикрлар бошимда айланаверди. Фаҳимча, бу шоир шеърлари дунёси учун яроқли ҳамма гапни айтиб улгурган, менга ҳеч нарсаси қолмаганди.

Тақлидчи ижодкор бўлишни сираям истамасдим. Шунинг учун назмни Қодир Шукурга қолдириб, насрга юз бурдим.

Бир ҳикоя ўйладим: сарлавҳаси “Кўр чол” бўлади, лекин уни қорозга туширишга кўпам шошилмадим. Содо отам бундан хабар толиб, ҳалиги маҳалладошлар даврасида: “Бизди ул ёзувчиликка ўтди”, деса борми... Лаб буриш бурун жийиркишларга чидаш мендек териси юқалар учун оғир.

Йўлини топдим. Алифбодаги ҳарфларнинг ёнига алоҳида белгилар қўйиб чиқдим. Ўзимнинг шахсий алифбоним яратдим. Қани, энди ёзганимни биров ўқиб кўрсин-чи.

Алифбоним ўзлаштириш учун тинмай машқ қила бошладим. Миям ғовлаб кетди. Охири, бунга эппай олмаслигимни тушуниб етдим-у, бошогрик кашфимдан воз кечдим.

Яхшиси, олдин ҳикоямни миямада обдон пишийтиб оламан, кейин қорозга тушираман. Ёзилажак асаримнинг мазмунини куйидагича эди: бир кўр чол кўчани кесиб ўтаётган бўлади. Кутилмаганда наридан от-арава келиб қолади. Чолни босиб кетиш хавфи туғилади. Аравакаш жиловни тортиб тўхта-

тай деса, от бирор нарсадан ҳуркканмикан, эгасига бўйсунмас, тинмай кишнар, иргишлар, пишқириб, олға босарди. Бунинг устига, чол ҳам аланглаб йўлнинг қоқ ўртасида тек туриб қолган. Шунда осмондан тушгандай бир йигит пайдо бўлади-да, чолнинг кўлтигидан тутиб, уни четга олишга улгуради. Тизгинсиз арава ҳам қурбонсиз ўтиб кетади.

Ҳаётий ҳодиса тайёр, энди энг муҳими — одамларга айтадиган ибратли хулосани аниқлаб олиш. Аввалига анови фидокор йигитни совуққон, лоқайд кимсаларга ўрнат қилиб кўрсатмоқчи бўлдим. Ё бўлмасам, чолнинг эҳтиётсизлигига ургу берсаммикан? Балки эътиборни от-аравага қаратиш маъқулдир?..

Йўқ, ҳаммаси олдий, жўн.

Уч йиллик ҳарбий хизматдаям “Кўр чол” ҳаёлимдан кетмади. Хизматдан қайтсам ҳамки, ҳикоям қорозга ту-

хаёлим, шу танланган ҳодисадан воз кечсаммикан, деб ўйладим. Кўр чол, юк машинаси, фидокор йигит — қандайдир ғалати, бачкана. Аммо шу заҳоти вужудимни кўркүв босди. Ахир, ёшлигимдан менга ҳамроҳ қалдрон топиламандан юз ўгириш шунча йиллик “ижодий” заҳматларимни йўққа чиқариш эмасми? Бетайинлик ҳам эви билан-да.

Аравага алмаштирганим — юк машинаси ҳайдовчисининг руҳий кечинмалари ҳақида ҳам бафуржа ўйлаб кўришим лозим. Бошидан бир нарсаси ўтганки, эҳтиёткорликни унутиб, сал бўлмаса кўзи ожиз чолни босиб кетазди.

Нафақа ёшига етганда чеганани ўғилларимга ўтказиб, ўзим анча бўшаб қолган эдим. Уй юмушларидан бошқа ишим йўқ. Бир кеч келинларим невараларни уй-уйига етаклаб кетгач, кўзимга кўзойнагимни тақиб,



шинга ҳали тайёр эмас эди.

Мулоҳаза юритганим сайин миямада бир-бирдан мураккаб, турфа саволлар, шубҳа-гумонлар туғилаверарди.

Бир қарорга келолмаслигимни билмасизлигимдан деб билдим. Шунинг учун муталаага шўнгидим. Кўплаб бадиий асарларни ҳижжалаб, таҳрир қилиб ўқиб чиқдим. Мунаққилларнинг тадқиқотлари билан танишдим. Катта ҳаётий тажрибага эга кексалар билан кечган суҳбатлар айнисига мароқли бўлди. Уларнинг бошидан кечирмишлари ибратли, ҳайратомуз ҳаётий воқеа-ҳодисалар, ҳаёллар, туйғулар, фикрлар, ҳайратлар, ҳаяжонларга шунчалар бой эдики, агар ҳаммада ҳам ёзувчилик иқтидори бўлганида, эҳтимол, бадиий пухта автобиографик қисса-романлар ер юзидида қабрлардан ҳам кўпроқ бўларди, деган ҳаёлларга бордим.

Ҳуллас, энди тайёр бўлдим-ов, деб ўйлаб, ҳикоямни оқ қорозга туширишга чоғландим. Ўша пайтларда чегана қўй боқардим. Бир кун қўйдан чарчаб-ҳориб келиб, қороз-қаламни кўрпача тагига яшириб, хотиним ва бола-чақамнинг ухлашини кутиб ўтирдим. Чўпон отамиз нима ёзапти экан, деб ўйлашмасин тагин.

Ярим тунда кўлимга қалам тутдим-у, ҳеч нарсаси ёзолмадим. Қаллам бўмбўш. Қизиқ, ўқиганларим, уққанларига қасқда қолди? Яна мушоҳадага берилдим. Арава тагида қолай деган кўр чолнинг бунчалик паршионхотирлигига сабаб бўлган ўтмишдан сўз очсаммикан? Дарвоқе, арава масаласи... ҳозир аравалар ўрнини машиналар эгаллаган. Ҳалемай арава бутунлай йўқолади. Мен ҳикоямнинг зомонавий бўлишини хоҳлайман.

Ухлашга ётдим. Тонг-азонда уйғонмасам бўлмайди, тирикчилик.

Йиллар мобайнида муталаа, мушоҳада, мулоҳазани давом эттирдим. Бир

кўлга қалам олдим. Ҳали ухламаган кампирим:

— Хат ёзмоқчимисиз? — деб сўради.

— Ҳа, — дедим мен.

— Кимга?

— Келажакка.

— Тавба, бу нима дегани? Бўлмагур китобларни ўқийвериб, ўзи, кўзингизни олдингиз. Энди хира чироқда хат ёзишга бало борми?

Мен ўша кунни йигит тўғрисида ёзмоқчи бўлдим. Бола оиласида яхши тарбия олмай, бебош бўлиб ўсган. Йўлдан алашди. Боши берк кўчаларга кириб чиқди. Жиноят йўлини танлади. Ўғирлик билан шугуллана бошлади. Бу ишнинг охири войлигига ақли етиб турса-да, ортга қайтиш чорасини тополмасди. Ва бир гал навбатдаги “ов”га бораётганида кўр чолнинг ҳаётини сақлаб қолди. Енгил машина унинг ўзиниям уриб кетай деди-я. Шу сониялар ичида йигит ҳам даҳшатли ажал билан тўқнаш келди, ҳам савоб ишнинг лаззатини тотди. Бу ҳодиса унинг ҳаётини ўзгартириш учун ибратли туртки бўлди...

Эрталаб кампирим сандал устидаси қалам ва оқ қорозни кўриб ҳайрон бўлди.

— Хатингизни ёзмадингизми?

— Йўқ...

Ҳа, мен бўлғуси ҳикоямдаги от-аравини йиллар ўтиб юк машинаси-га, кейинчалик унияем енгил машинага алмаштирдим. Ҳали жуда яқин келажакда енгил машина-да йўқ бўлиб, одамлар хотирасидан ўчиб кетар... Мен эса ҳикоям ҳамма даврларда, маконларда зомонавийлигини, мавзуси долзарблигини йўқотмасам деб орзулагандим. Авлодлар уни ҳеч қандай изохсиз ўқишларини истагандим.

Анча йиллар илгари, эллик ёшларимда оёқ оғригига йўлиққандим. Чўпонлик осонми? Мана, энди ана шу дардимга яна бири қўшилди.

Hikoya

Кўзларимнинг хира тортиши кучайди. Қарилдикданми десам, мен тенгилар ҳали кўздан шикоят қилганича йўқ. Бу кўп китоб ўқиганимдан ҳам эмас, бошқа гап борлиги аниқ.

Бора-бора бир кўзимни туман қоплади. Иккинчиси ҳам хира. Кампиримнинг маслаҳатини олиб дўхтирга борадиган бўлдим. “Ваҳима қилмай олдин бир кўрининг-чи, — деди кампирим. — Болаларингизнинг ташвиши ўзига етарли, ҳаммаси камхарж, буларга билдирмай турайлик. Томизадиган, ичадиган дори-пори ёзиб берса, олиб келаберинг. Яхши бўлиб кетасиз”.

Азонда йўлга чиқиб, шаҳарга етдим. Шифохонани ўзлаб камқатнов бир кўчани кесиб ўтаётганимда йўл четидида ярақлаб турган нарсаси диққатимни тортди. Кўзим олди туманда, бу не бўлди, деб қизиқсиниб, бирров тўхтаб қолдим. Кўрганим, эски усулда қурилган гўмбаз шаклидаги янги иморатнинг куббасига қопланган ялтироқ тунука экан. Шу пайт қандайдир гичирлаган овоз, отнинг кишнати қулоғимга чалингандай бўлди. Ён-веримга қарашга улгурмасидан кимдир кўлтигимдан тутиб, олдинга сураб кетди. Четга чиқиб тўхтадик. Эшитилаётган шовқинли товуш-да узоқлашди.

— Тузукмисиз? — деб сўради ҳамон кўлтигимдан тутиб турган йигит.

— Ҳа, тузук, болам. Нима бўлди, ўзи? Тушунмай қолдим.

— Ие, сизни от-арава босиб кетай деди-ку. Кўрмадингизми? Оти асов экан, эгаси тўхтатолмади.

— Кўзим яхши олмайди, болам.

— Шундайми, эҳтиёт бўлиб юринг унда, отахон. Кўча машинага тўла, — дея йигит нари кета бошлади.

— Болам! — деб тўхтадими уни. — Раҳмат сенга, умрингдан барака топ.

— Ҳа майли, эҳтиёт бўлиб юринг энди.

— Айтгандай, болам, от-арава дедингми? Мени от-арава уриб кетай дедими?

— Ҳа, от-арава...

Кампир икковимизнинг айтганимиз бўлмди. Дардим оғир экан. Жуда оғир. Болаларни овора қилиб, харажатларга тушириб шифохонада ётиб қиқишимга тўғри келди. Бир кўзим ўн беш, иккинчиси ўттиз беш фоз кўраётган эмиш. Ташхис — глаукома. Кўп қатори мен-да касалликни ўтказиб, кечикиб келибман. Натияжаси элликка эллик бўлгани боис уйдагилар келишиб жарроҳлик операциясига кўнмадик.

Менга қараган дўхтирларнинг сирли, дўхтирона гапларидан англашимча, кўзларимни озиқлантириб турадиган икки чеккамдаги томиларим беркилиб, ишламай қўйганлиги сабабли улар кундан-кунга қуриб, қовжираб бораётди. Худди дарахтнинг кузги баргидек. Узоғи билан тўрт-беш ҳафта ичида кўзларим батамом кўрмай қолади.

Фикри оқимича, бўлғуси асарим энди-энди буй-бастини кўрсатаётгандек. Ҳалиги йигит меннинг ўтмишим — манзилига борар йўлини ахтариб нотаниш кўчаларда санқиб юрган бўлади. Кўр чол эса — борлигим. Тирикчилик ғамиди бир умр аравадан воз кечолмайдиган аравакаш ҳам меннинг ўзим. Унинг аравага қўшган оти ўта қайсар.

Улар ўша, четиди шарқона усулдаги куббали иморат бор камқатнов кўчада учрашадилар...

Исҳоқ ИСМОИЛОВ,
Ғаллаорол туманидаги
10-мактаб ўқитувчиси

ЎҚУВЧИЛАР БАҲСЛАРДА ФАОЛ

Кейинги йилларда косонсойлик ўқувчилар ўртасида спортга шийиёк янада ортган. Биргина мисол, туманининг Баҳористон ҳахаси ҳудудида бундан бир-икки йил аввал спорт билан шугулланаётган болалар икки юз нафарга ҳам етмаган бўлса, бузун уларнинг сони 500дан ошган.

Бунга асосий сабаб шароит ва имкониятларнинг яратилганида. Авваллари бу ҳудудда битта спорт зали мавжуд эди. Ҳозир Баҳористоннинг ўзида 3та спорт майдончаси, бадий гимнастика зали қуриб фойдаланишга топширилди. Имконият, шарт-шароит яхшилангани сари ўқувчиларда спортга қизиқиш ҳам ортапти. Ёшларни спортга жалб этишнинг яна бир муҳим омил бу ўқувчилар қалбидан жой олиб улгурган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг доимий ўтказиб келинаётганидир. Юртбошимиз ташаббус билан ташкил этилган уч босқичли спорт ўйинлари тизимининг энг кенжаси ҳисобланган бу мусобақаларнинг барча босқичларида ўқувчилар фаол иштирок этишмоқда.

Дарҳақиқат, 2015 йили Хоразм вилоятида бўлиб ўтадиган мажмуи мусобақаларнинг куйи босқич беллашувлари тахлилгига кўра, ўқувчилар ўртасида фаол

лик ортиб, иштирокчилар сони олдинги йилларга нисбатан бир неча фоизга ошгани, натижалар ҳам салмоқли бўлаётганига ишонч ҳосил қилдик. Масалан, кўл тўпи билан шугулланувчилар сони 30 фоиз, мини-футболчилар сони 20, катта теннис ва стол теннисига қизиқувчилар 25-30 фоизга ортгани кўзатилади.

— Бу спорт турларидан ташқари таэквондочилар сафи ҳам ортиб бораётти, — дейди «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти туман бўлими раиси Ганижон Расулов. — «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг дастлабки босқичларида 27 миңдан зиёд ўғил-қиз қатнашди. Улар орасидан иқтидорли ва маҳоратли спортчиларни танлаш, энг кучлиларни туман терма жамоаси сафига ва машгулотларга жалб этиш самарали йўлга қўйилди. Ўтган мусобақаларда косонсойлик ўқувчилар энгил атлетика, кўл тўпи (қизлар), футбол, волейбол (ўсмир-

лар) ва баскетбол (қизлар) бўйича финал баҳсларида қатнашиб, яхши натижаларга эришган. Навбатдаги мусобақаларда ана шу ютуқларни янада кўпайтириш ниятидамиз.

Тумандаги 13-умумий ўрта таълим мактаби нафақат туманда, балки вилоятда ҳам спортни оммалаштиришга ҳисса қўшиб келаятган таълим муассасаларидан бири. Билим даргоҳида барча қулайликларга эга спорт зали, мини-футбол ўйингоҳи ва волейбол, баскетбол майдончалари доим спорт ишқибозлари билан гавжум. Мактаб ўқувчилари гандбол бўйича туман ва вилоят терма жамоалари асосини ташкил этгани боис бу спорт турига эътибор кучли. «Умид ниҳоллари» мусобақасининг мактаб босқичида 617 нафар ўғил-қиз иштирок этганининг ўзи ҳам ўқувчилар ўртасида спорт қанчалар оммалашганидан дарак бериб турибди.

— 11 спорт тури бўйича ташкил этилган мусобақаларда энг кучлилар сараланиб, кейинги босқичга йўл олди, — дейди мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Усмонжон Икромов. — Шахмат ва кўл тўпи бўйича спортчиларимиздан умиди-



миз катта. Мусобақанинг яқини босқичига тайёргарлик ҳозирдан бошланган. Мурабийлар Саодат Сатторова ва Фарҳод Рустамов режага биноан машгулотларни мунтазам олиб боришяпти. Ҳудди шундай тараддуд 14-, 22- ва 29-болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда 8-умумтаълим мактабида ҳам ташкил этилган. «Умид ниҳоллари»нинг туман босқичи баҳслари қизгин ва муросасиз ўтмоқда. Мазкур беллашувларда 14446 нафар ўқувчи ўз куч ва маҳоратини намойиш этаётти. 3та футбол майдони, 60та спорт зали, 2та теннис корти ва 385та спорт майдончаси, 2та бадий гимнастика зали улар ихтиёрида.

Фанишер АҚБАРОВ

Наманган

Bolalar va o'smirlar sport maktablari faoliyatidan

СОҒЛОМ, ЧАҚҚОН ВА ПОЛВОН БОЛАЛАР

машгулотларда чиниқиб, чемпионлик сари дадил қадам ташлашмоқда

Кўркем, обод болалар ва ўсмирлар спорт мактаби. Янги бунёд этилган мўъжаз таълим муассасасида болажонлар мароқ билан спорт машгулотларида иштирок этмоқда. Жажжи болакайлар яшил майдонда тўп тепиб вақтини чоғ ўтказадилар. Бошқа бир майдончада мураббий 5-6 яшар болаларга «Турон» якка кураши сир-асрорларини иштиёқ билан ўргатмоқда. Мураббий ҳар бир боласа алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг машқи тўғри бажарилиши кўзатар экан, болалар йўл қўяётган хатоларни ҳам эришмай тушунтириб беради. У машгулот жараёнига киришиб кетганидан болажонларга қўшилиб, ўзини ва атрофидагиларни ҳам унутган. Кичикитойларнинг юз-кўзида эса ўзига ишонч ва мамнулик. Бу пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 26-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби машгулотларидан лавҳалар.

Спорт мактаби 2006 йили ташкил этилган бўлиб, муассасида 456 нафар бола таэквондо ВТФ, футбол, волейбол, бадий гимнастика, бокс, дзюдо, энгил атлетика, стол теннис бўйича шугулланмоқда. Масканд 16 нафар тажрибали мураббий иқтидорли спортчи шогирдларини тайёрлаб келмоқда.

— Таълим муассасамизда машгулотлар мунтазам олиб борилади. Бунинг учун барча шароитлар яратилган. Замонавий спорт зали, шинам кийиниш, ювиниш хоналари, суный футбол майдони ўқувчилар ихтиёрида. Шунга яраша кўлга киритаётган ютуқ ва натижаларимиз ҳам бисёр. Жорий йил ёш спортчиларимиз жамоавий мусобақаларда қатнашиб бўйича республика спорт мактаблари ўртасида юқори натижани қайд этишди, — дейди мактаб директори Иброҳим Шукров.

Дарҳақиқат, ўтган йиллар мобайнида спорт мактабидан жуда кўплаб чемпион ўғил-қизлар етишиб чиқди. Жорий йил иқтидорли қизлардан ташкил топган баскетболчи қизлар жамоаси Олмалик шаҳрида ўтган республика турнирида фаол қатнашиб, 1-ўринни кўлга киритди. Жамоа сардори Мухлиса Абдумавлонованинг ўсмирлар терма жамоасига олиниши спорт мактаби учун қувончли воқеа бўлди. Шунингдек, жорий йилнинг 16-20 июнь кунлари байдарка ва канозда эшак эшиш бўйича 1998-1999

йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган республика чемпионатида Алсу Сатторова, Анастасия ва Ксения Морозова бронза медалига сазовор бўлди. Иқтидорли ёш дзюдочи Нуриддин Қурбонов эса 1998-1999 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Қозғистоннинг Ленгер шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда 3-ўринни кўлга киритди. Спорт мактабининг «Турон» якка курашига қизиқувч кўплаб қобилиятли ўқувчилари республика ва халқаро мусобақаларда мувафакиятли иштирок этиб келишмоқда. Жумладан, 17-18 май кунлари Хоразм вилоятида 2003 йили туғилган болалар ўртасида ўтган республика мусобақасида Ёкубон Йўлдошев 25 кг вазн тоифасида 1-ўрин, Абдуллох Абдурахмонов 28 кг вазн тоифасида 2-ўрин, Даврон Зойидов 32,5 кг вазнда 3-ўринни эгаллади. Спорт мактабининг энгил атлетикачиси Егор Мельник эса жорий йил мамлакат чемпионатида бронза медали совриндори бўлди.

Спорт мактаби Жужоний махалласи ҳудудида жойлашган. Бу ерда тарбияланаётган ёш спортчиларнинг ахтаришти шу махалла болалари. Машгулотлар, айнакча, ёз ойлари ва қуш таътил вақтида янада гавжум бўлади.

— Бу йил «Футболимиз келажиги» мусобақасининг шаҳар босқичида маҳалламиз болалари 2-ўринни олди. Бундай натижага мураббийларнинг

саъй-ҳаракати, болаларнинг спортга кучли қизиқиши тўғрисида эришилди, албатта. Маҳалламизда спорт билан шугулланувчи ота-оналар ҳам бисёр. Улар анъанавий «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» мусобақаларида мунтазам иштирок этишади. Бундай мусобақалар оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, фарзандларнинг тани соғ, руҳи тетик бўлиб камол топишига хизмат қилади, — дейди «Жужоний» махалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Севара Нурмухаммедова.

— Ёшлигимдан спорт билан шугулланиш жони дилим. Бир вақтлар мактаб баскетбол жамоаси сардори бўлганман, — дейди спортсевар оналардан бири Ирода Юсупова. — Фарзандларимнинг ҳам соғлом бўлиб улғайишида оилавий спортга қизиқишининг аҳамияти катта бўлмоқда. Байдарка ва канозда эшак эшиш бўйича мураббий Александр Жужков кўл остида икки ўғлим шугулланмоқда. Ўғилларим бардам, бақувват, тетик улғаймоқда. Мусобақаларда ҳам доимий қатнашиб туришди. Катта ўғлимиз Шавкат бу спорт тури билан жиддий шугулланиб мураббий бўлишга қарор қилган. Уртанчамиз Қудрат боксининг ашаддий ишқибози. Кенжамиз Ғайратни 7 ёшидан футболга бердик. Аккаларига хавас қилиб у ҳам спортчи бўлиш орузида юрибди. Оила аъзоларимиз бир жойда жамулам бўлсак, стол тенниси ва волейбол ўйнаб вақтимизни мазмунли ўтказамиз. Спорт — соғлик ва саломатлик гарови. У билан ҳаётимизнинг ҳар лаҳзаси ёрқин ва фаровон ўтади.

Спорт мактабида тахсил олаётган ёш иқтидор эгалларининг орузлари ўзларидек беғубор. Спорт орқали улар қалбида ватанпарварлик, дўстлик, бағрикенглик каби улғу фазилатлар тарбияланибди.

Одина ҚУЛМУРОВА,
«Ma'rifat» мухбири



КАРЛСЕН — ЎЗ ЎРНИДА

Норвегиялик халқаро гроссмейстер, машҳур вундеркинд Магнус Карлсен рақиби Вишванатан Ананддан ҳаҳон чемпионлиги тожини муносиб Ҳимоя қилгани ҳақида дунё оммавий ахборот воситалари хабар тарқатди.

Сочи шаҳрида ўтказилган шов-шувли мусобақанинг 11-партиясида Магнус ҳиндистонлик спортчини мот қилди ва умумий ҳисобда 6,5:4,5 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ютқ жамғармаси ярим миллион еврони ташкил этувчи «жанг»да ҳали 23 ёшга ҳам бўлиб улгурмаган шахматчи сайёрамиздаги энг кучли спортчиға қарши ўтган 11 партиядан иборат мусобақада ўз тожини муносиб Ҳимоя қилди.

Эслатиб ўтамиз, Карлсен ўтган йилнинг ноябрида айнан В.Анандни энгил(6,5:3,5), шахмат тожини кўлга киритганди.

ТИМСОЛЛАРГА НОМ АНИҚЛАНМОҚДА

Бразилиялик мутасаддилар Халқаро олимпия кўмитаси 2016 йили Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган Олимпиада ва Паралимпия ўйинлари тимсолларини тасдиқлаганини маълум қилди, деб хабар берилди «Reuters» ахборот агентлигида.

Уларни яратишда асосий эътибор мамлакатнинг бой ва бетакор флора ва фаунасига қаратилган. Бразилия ҳайвонот олами аъзоси — сариқ рангли мушуксимон ёввойи ҳайвон ҳамда сочи яшил барглар тарзида ифодаланган кўк рангли дарахтсимон гул ёғзи Олимпия ўйинлари тимсоллари сифатида танланди.

Айни пайтда уларни номлаш бўйича интернет орқали мамлакат аҳолиси овозлари тўпланаяпти. Одамлар «Оба ва Эба», «Тибатуки ва Эскиндим» ёки «Винисиус ва Том»дан бирига ўз овозини бераётти. Сўнгги икки исм бразилиялик машҳур созанда ва бастакорлар Винисиус ди Морайс ҳамда Том Жобим шарафига рўйхатга киритилган.

КРИСНИНГ ИЛК МАҒЛУБИЯТИ

Филиппинлик боксчи Мэнни Пакьяо америкалик Крис Алгьерига қарши кечган муштлашувда WBO таснифида ярим ўрта вазн тоифасига тегишли чемпионлик камарини Ҳимоя қилди.

Айтиш керакки, Крис Алгьерий ўз фаолияти давомида илк марта мағлубият аламини тотиб кўришга мажбур бўлди.

Хитойнинг Макао шаҳрида ўтган учрашув 12 раунд давом этди. Мусобақа жараёнида Пакьяо рақибини олти марта ноқудон ҳолатига туширди. Бироқ иродали Крис жанг охиригача сўкда туриб, Пакьяо зарбаларига дош берди. Якунда ҳақамал бир овоздан филиппинлик спортчини голиб деб топишди — 119:103, 119:103, 120:102.

35 яшар Пакьяо профессионал рингда 64 жанг ўтказиб, 57 марта зафар қучган. 30 ёшли Алгьерий 20та жангда қатнашиб, барчасида галаба қозонган.

БУТУН ЖАМОА ҲАЙДАЛДИ

Швейцария миллий чемпионатининг тўртинчи дивизиони аъзоси «Гренхен» клубининг 11 нафар ўйинчиси «Люцерн» ёшлар жамоасига қарши ўтказилган матчда 0:10 ҳисобида энгилгани учун ҳайдалди.

«Solothurner Zeitung»да маълум қилинишича, футболчиларнинг бу тақлид жазоланиши уларнинг ҳатто тўртинчи дивизион талабига ҳам жавоб бермаслиги билан изоҳланади. Асосий тарихида майдонга тушган футболчилар билан клуб раҳбарияти кийиниш хонасидаёқ хайрлашган. Қизиги жамоанинг муваффақиятсизлигига катта «ҳисса» қўшган бош мураббийнинг истефогига қайрилгани ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган.

Бўшатишган футболчилар айни пайтда Швейцария олий футбол инстанциясига арз қилиш истагиди. Бойси, «Гренхен» клуби спортчиларга маош тўлашни истамаган.

SHAHNING Ta'lim

Abituriyentlar uchun yangi elektron testlarni endilikda O'zbekistonning istalgan nuqtasidan turib olish mumkin!

O'zbek va rus tillarida

DIQQAT! Endilikda testlarning istalgan quyidagi uch versiyasidan foydalanish mumkin:

- to'liq versiya (10 ta fan)
- komplekt (ta'lim yo'nalishiga bog'liq 3-4 ta fan)
- alohida fanlar

ONA TILI VA ADABIYOT

MATEMATIKA

FIZIKA

BIOLOGIYA

KIMYO

TARIX

GEOGRAFIYA

INGLIZ TILI

NEMIS TILI

FRANSUZ TILI



Guvohnoma №005067-03

- O'tgan yillardagi o'tish ballari
- Kasbga yo'naltirish bo'yicha testlar
- O'quv yurtlari va mutaxassisliklar haqida batafsil axborot

Batafsil ma'lumotlarni
WWW.MG.UZ saytidan yoki
+99871 **283-23-74, 283-39-34**
telefonlari orqali olish mumkin.

Xizmatlar litsenziyalangan.

ЗАМОНАВИЙ ЗИЁ МАСКАНИ

Қорақалпоғистон Республикаси Ахборот-ресурс марказининг 82 минг 400 дан зиёд китоб фондида бадий, илмий-оммабоп, ижтимоий-иқтисодий, ўқув-методик адабиётлар ва турли лугатлар жамланган.

Марказнинг барча шароитлар яратилган ўқув заллари, компьютер ва даврий матбуот хоналари ҳамиша китобхонлар билан гавжум.

Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги тасарруфига кирувчи ушбу марказ мактабларга хизмат кўрсатиш бўлимида ўқувчи-ёшларга зарур



адабиёт ва электрон базадан ахборот олишда кўмаклашиш ишларига алоҳида эътибор қаратади. Ёш китобхонлар бу ерда "ZiyoNET" тармоғи ресурсларидан кенг фойдаланиш имкониятига эга.

Суратларда: Қорақалпоғистон Республикаси Ахборот-ресурс марказида.

ЎЗА фотомухбири
Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган суратлар.



Ma'rifat

ТА'СИ
ЕТУВЧИЛАР:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. G-1124. Tiraji 38927.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 02.30 Topshirildi — 03.10

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Navbatchi muharrir:
Jo'rabek JANGIROV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

1 3 4 5